Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 183 (20. 750) • 1990 йил 12 август, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Бугун—Бинокорлар куни

КЎПРОҚ ВА ЯХШИРОҚ ҚУРАЙЛИК

Энг муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этиш — жумҳурият аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, халқ хўжалиги янги иншоотларини фойдаланишга топшириш — бинокорларнинг бугунги кундаги асосий вазифалари шулардан иборат. Касб-кор байрами — Бинокорлар кунига бағишланиб Тошкентда ўтказилган йиғилишда ана шу вазифаларни бажариш йўллари ҳақида гапирилди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков очди.

Ўзбекистон ССР қурилиш министри Қ. Ҳ. Маҳамадалиевнинг маърузасида, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида жумҳурият қурилиш комплексида катта структуравий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Ишлаб чиқаришни тақкил этишни яхшилашга, хўжалик ҳисоби муносабатларини чуқурлаштиришга эришилди.


Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат капитал маблағлари икки фоиз кўп ўзлаштирилди. 1,6 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Топширилган ишлаб чиқариш иншоотлари орасида Тахиатош ГРЭСининг турбинаси ва буғ қозони, Ўзбекистон металлургия заводида қора металл прокати ишлаб чиқариш қувватлари бор. 3,9 миллион квадрат метр саҳнли уй-жой қурилди, бу йиллик планнинг ярмига яқинини ташкил этди.

Айни вақтда жумҳурият бинокорлари йиллик топшириқни уддалашлари учун ҳали кўп ишлашлари керак. Олдинда енгил саноат ва қайта ишлаш саноатининг бир қанча қурилишларида қувватларни ишга туширишдек катта вазифа турибди. Мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртларини ишга туширишдаги қолоқликка барҳам бериш зарур.

Ўрнатиш учун ускуналар ва махсус материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати базасининг заифлиги иш жадвали барбод қилинаётганлигининг сабабларидан биридир. Қурувчи кадрлар етишмаслиги туфайли катта қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Бир маромда ишлаш шароитларини яратиш, битказилмаган қурилишлар ҳажмини қисқартириш натижасида бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Ҳозир қурувчилар олдида бозор иқтисодиёти жараёнига қўшилишга тайёргарликни тугатишдек жуда муҳим вазифа турибди. Айни вақтда кўпгина қурилиш ташкилотлари ва корхоналар ижарага ўтиб, кейинчалик ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишни ният қилганлар.

(ЎзТАГ).



Шоюсуп Мақсудов бинокорлик касбини улуғлаб келяпти. Тошкент шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ишида унинг баракали ҳиссаси бор.

Шаҳардаги 12-бинокорлик трестининг 50-қурилиш бошқармасида Ш. Шоносиров бригадаси илғорлик қилмоқда. Лекин бригада қурувчиларининг Ш. Мақсудовсиз иши битмайди. Шоюсуп пайвандлаш ишларини тез ва сифатли адо этиш билан уй қурилишларини жадаллаштиришга ёрдам бермоқда.

Суратда: уста пайвандчи Шоюсуп Мақсудов.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ТЕРМИЗ, 11 август (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунларини ва вилоят партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев мазкур масала юзасидан маъруза қилди.

Пленум партия органи фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича вилоят партия комитети комиссияларининг аъзоларини муҳокама қилди ва тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

* * *

БУХОРО, 11 август (ЎзТАГ). Бугун Бухоро вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларига мувофиқ, вилоят партия ташкилотининг ўз ишини қайта йўналтиришга оид амалий тадбирларини муҳокама қилди. Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов нутқ сўзлади.

* * *

НУКУС, 11 август (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаевнинг «КПСС XXVIII съездининг якунлари ва вилоят партия ташкилотининг съезд қарорларини бажаришга доир фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилдилар.

Пленум вилоят партия комитети ҳузурида тузилган комиссияларнинг таркибини тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов нутқ сўзлади.

* * *

ФАРҒОНА, 11 август (ЎзТАГ). Фарғона вилоят партия комитетининг бугун бўлган пленуми қатнашчилари КПСС XXVIII съезди якунларини ва вилоят партия комитетлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг съезд қарорларини бажариш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ғ. Фозилов маъруза қилди.

Вилоят партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар, мафкура масалалари, ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат масалалари, ёшлар билан ишлаш комиссияларининг аъзолари тасдиқланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси Ў. Ҳошимов нутқ сўзлади.

• *Нуқтаи назар*

МАЪНАВИЙ МУЛК

Автобуснинг олд эшиги томон аранг ўтаётган йигирма бешйигирма олти ёшлардаги қиз бехос мункиб кетди ва ўзи билан ёнма-ён бораётган йигитга нафрат билан қаради-да, «маданиятсиз!» деб ўшқирди. Йигит ўнғайсизланди, одамлардан ўзини яширишга уринди ва ерга қараганча узр сўради. Бу сўз — юрак-юрагининг қаъридан эзилиб, ушалиб чиққандай туюлди, жамоат орасида юришдан тортиндими, у ҳам олдинги эшикка интилди. Автобус тўхтагач дид билан кийинган, фаросатли ва «маданиятли» ҳалиги қиз қўлидаги чиптасини топ-тоза ерга улоқтирди-да, «чирт» этиб туфлади. Сўнг гўё ҳеч нарса билмагандай йўлида давом этди.

Йигит бир сония муаллақ туриб қолди. Ҳозиргина ана шу қизнинг бир оғиз сўзи уни музлатиб юборган, одоб ва ахлоқдан сабоқ берган, кўзни каттароқ очишга, ҳаётга теранроқ боқишга ундаган эди. Эвоҳ, ана шу муаллиманинг ўзи қиёфаси қандайлигини чизиб кетди.

Ҳа, биз ўзимиз маданиятлимизми?

Бу бизни ҳар томонлама ўйлашга ундайди. Нега дейсизми? Мен Ўзбекистонданман дея фахрланганимизда, албатта, жаҳоннинг кўрки — Самарқанд, Бухоро, Хивани кўзда тутамиз. Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарлар не-не сайёҳлар дилини ўртамаган, не-не одамларни ром этмаган. Шаҳрисабз, Қўқон, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги, шундоққина ҳовлимиздаги нураб бораётган обидалар-чи?

Тарих ва маданият ёдгорликлари халқнинг маънавий мулки, бойлиги ва ифтихоридир. Сиз билан биз ана шу ноёб мулкнинг қадрига етяпмизми? Афсуски, йўқ! Ўтмишимиздаги кўпгина меъморий обидалар, табиий қўриқхоналар, зиёратгоҳлар қисмати хусусидаги ташвишларимиз ўринли. Бу табиийдир. Чунки жамият тараққиётининг бурилиш лаҳзаларида тарихий меросга қизиқиш кучайиб бораётир. Миллий қадриятларга ўрнини қоплаб бўлмайдиган талафотлар етишига олиб келган хатолар дилларимизни ўртамоқда.

Ёдгорликлардан фойдаланиш энг муҳим муаммолардан биридир. Таассуфки, улардан фойдаланиш сифатини яхшилаш, иқтисодий мақбулларини кўзда тутиш эмас, балки уларни шу бугунги хўжалик ҳужаларига мослашдан иборат бўлмоқда. Айрим қишлоқлардаги тарихий бинолар секин-аста вайрон бўлаётир.

Бизнинг қонунларимиз кўп. Ёдгорликка етказилган зарар, уни муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун жиноий, маъмурий, интизомий ва моддий масъул бўлиш кўзда тутилади. Аммо ёдгорликларга шикаст етказилганлиги учун шахсларни жавобгарликка тортиш аслида амалга оширилмаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу борада сусткашлик ва фаолиятсизлик қилмоқдалар.

Тарих ва маданият ёдгорликларини атроф-муҳит таъсиридан айириб бўлмайди. Тарихий-маданий меросни сақлаш масалаларини яхлит ҳал этиш заруратини воқеликнинг ўзи белгилаб беради. Бу воқелик хўжалик фаолиятининг кўпгина салбий томонларидан вужудга келиб, кучли қудратли техника, такомиллашмаган технологиялар ҳамда ҳамма ерда шаҳарларнинг кучайиши табиий ва маданий муҳитни забун этиш ва вайрон қилишга сабаб бўлмоқда.

Яратилаётган ҳар бир китоб, фильм, саҳна асари бебаҳо бойлигимиздир. Таниқли адиблар, санъаткорлар, археологлар, этнографлар, тарихчилар ва бошқалар билан бўлаётган учрашув, баҳс ва кечалар ҳар бир ёшга масъулият юкламоқда. Ўзбекистон халқларининг тарихий-маданий мероси ҳақида мукаммал ҳикоя қилувчи ўн беш қисмли бадиий-публицистик кино ишланмоқда. Лекин буларнинг ўзи етарли эмас. Биз ҳали маънавий мулкимизни ўрганаётганимиз йўқ, уларни асраб-авайлашимиз ва келажак авлодга етказишимиз ҳам керак. Афсуски, маданий-маърифий ёдгорликларимиз ёрдамга муҳтож. Биргина пойтахтимизнинг ўзидаги Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейини олайлик. Ҳар биримиз учун муқаддас ва муаззам бўлган бу масканни тарихий меросимиз билан қизиқувчилар ҳукмига ҳавола этолмаяпмиз. Бундай ҳувиллаган, меҳрга ташна бинолар оз дейсизми? Айрим кутубхоналаримиз, музейларимиз ғариб. Уларни янги экспонатлар билан бойитиш, янги-янги кўргазмалар ташкил этиш ҳақида қайғурилмаяпти.

Айрим кутубхоналардан ноёб китоб ва рисолалар «эскирди» тамғаси остида олиб ташланмоқда. Ўттизинчи йиллардаги минглаб асарларимизнинг қирғинбарот қилиниши сабоқ бўлиши керак. Илм—хазина, уни ҳамиша кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз зарур. Шу билан бирга бу ишга масъул хазинабонлар меҳр ва ардоғимизга, ишонч ва муҳаббатимизга ташналигини унутмайлик!

Шу йил сентябрь ойида мамлакатимиз аҳли Урта осиёлик машҳур аллома Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлайди. У ҳақда ҳам биз кенг ва чуқур маълумотга эга эмасмиз. Тўғри, унинг мероси эндигина ўрганилмоқда. Ўз фаолиятида «Жомъ ат-Термизий», «Аш-шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») каби бир неча асарларни яратган Ат-Термизийнинг мусулмон дунёсида обрўли деб тан олинган олтита ҳадислар тўпламини алоҳида ўрин тутади. Тантаналарда жаҳоннинг турли диний ташкилотларидан вакиллар иштирок этадилар. «Ат-Термизийнинг илмий мероси ва замонамиз» мавзуидаги халқаро анжуман бўлиб ўтади. Бугунги кунда ана шу улуғ санани муносиб қаршилаш учун Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидаги ёдгорлик таъмирланмоқда.

Жумҳуриятимиз илм даргоҳларида маънавий хазиналаримиз, не-не қўлёзмаларимиз меҳр-муҳаббат билан ўрганишни, изланишни кутяпти. Улар орасида дунё тўтиё этувчи алломаларимиз бор. Тарих солномасига ўзгариш киритувчи ноёб асарларимиз ҳам йўқ эмас. Биз эса эндигина ана шу ноёб меросимизни ҳижжалаб ўқишга ўрганяпмиз. Давлат тили ҳақидаги Қонунимиз ана шу ноёб хазина дарчасини очиб берди. Интилиш, изланиш, масъулият ва маҳорат билан бу ишни поёнига етказиш керак.

Биз ёш авлодни коммунистик руҳда тарбияляяпмиз деб лоф урдик. Аслида фарзандларимизни болалигидан бошлаб оилада, ўрта ва олий мактабда, меҳнат жамоаларида ёдгорликларга ҳурмат руҳида тарбиялашни унутдик. Фарзандларимиз тарбиясида ва умуман жамият ҳаётида улкан ўрин тутувчи меросимизга муносабат, уни чуқур ўрганишни тубдан қайта қуриш зарур.

КПСС XXVIII съездида маданиятимиз масалаларига яна бир бор эътибор берилди. «Маънавий ижодиётнинг бебаҳо асарлари совет кишиларига қайтариб берилди. Партиянинг зиёлилар билан янги муносабатларини вужудга келтириш — қайта қуриш ғалабаларидан бири бўлибгина қолмай шу билан бирга уни янада олға силжитишнинг муҳим шарт-шароити ҳамдир. Зиёлилар ҳисса қўшмаганида биз ўзимиз яшаб турган жамиятни, уни янгилаш истиқболларини тушунишда янги марраларга чиқа олмаган бўлур эдик».

Ҳақиқатан, шундай! Биз ўзимизни маданиятли, маърифатли, маънавияти юксак кишилар деб ҳисоблагудек бўлсак, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Аввало, ўқиб-ўрганишимиз, тинмай изланишимиз керак. Буюк бобомиз Алишер Навоий ўз даврида айтганидек: «Билмаганни сўраб ўрганган олим»дир. Худди шу ибора партиямиз XXVIII съездида ҳам ўз ифодасини топди.

Ҳа, «Билмаганни сўраб, ўрганган олим!». Бу ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиши керак.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Узбекистони» фан, маданият ва халқ таълими бўлими мудири.

АҲОЛИ МАМНУН

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Конимех районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалигида аҳоли чорва молларини озуқа билан таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Шу кунгача одамларга 351 тонна озуқа сотилди. Айни пайтда янги ўриб олинаётган сорго ҳам қишлоқ меҳнаткашларига етказиб бериляпти.

Бу хўжаликда фақат ўз совхозларидаги одамларга эмас, балки қўшни «СССР 50 йиллиги» ва «СССР 60 йиллиги» совхозларидаги меҳнаткашларга ҳам озуқа сотилаётир. Совхоз бўйича 438 гектар ерга беда экилган бўлиб, икки ўримдан сўнг 75,5 центнердан ҳосил олинди. Қишловга пухта ҳозирлик кўриш мақсадида 2900 тонна силос, 2671 тонна сенаж бостирилди. Хўжаликда бундан буён ҳам аҳолининг шахсий молларига кўплаб озуқа етказиб беришга аҳд қилинди.

М. АДИЗОВА.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НАМАНГАН, 11 август (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Наманган вилоят Советининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Б. А. Алламуродов халқ депутатлари вилоят Советининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов халқ депутатлари Наманган вилоят Советининг раиси этиб сайланди.

• *Съезддан кейинги ўйлар*

КЎНГИЛДАГИДЕК ИШ БЎЛДИ

Шу кунларда бошланғич партия ташкилотлари ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Гапнинг очиғи — турғунлик йиллари расмиятчилик, қоғозбозлик, қироатхонлик партия қуйи бўғинлари фаолиятида кўпроқ ўрин тутар эди. Йиғилишдан йиғилишга кўчиб ўтадиган саёз, сийқаси чиққан маърузалар, доимий нотиқлар-у, йиллаб бironта партия йиғилишида сўзга чиқмайдиган лоқайд коммунистлар.., Бирлашма коммунистларидан бири бошқа корхонага ишга ўтиб кетади. Қарангки, у коммунист эканлигини унутиб, ҳисоб карточкасини узоқ вақтгача кўчириб кетмайди. Бошланғич партия ташкилотида ҳам бу ҳолга бефарқ бўлишади. Хайриятки, энди бундай ҳолларга барҳам бериляпти.

КПСС XXVIII съездида партия обрўсини мустаҳкамлаш ҳақида кўп гапирилди. Корхонамизда 650 нафар коммунист меҳнат қилади. 30 киши КПСС аъзолигига номзод. Бу катта куч, албатта. Аммо ҳар бир коммунистни ҳам қайта қуришнинг фаол курашчисига, партиянинг ҳозирги мураккаб даврдаги сиёсатини оммага тўғри етказа оладиган етук шахсга айланган, деб бўлмайди. Шу боис, партия обрўсини мустаҳкамлаш аввало унинг сафини Ленин ғояларига садоқатли, ҳалол, принципиал ва эътиқодли кишилар ҳисобига тўлдириш билан ҳам боғлиқ. Бугунги куннинг баҳсу-мунозараларига аралашувдан ўзини четга тортиб пайт пойлаб ётган ёки пана-пастқам жойда туриб унга тош отаётган «коммунист»лардан эса тезроқ қутилган маъқул.

КПСС янги Уставида партия сафига кирувчи учун бир йил синов муддати белгиланган. Бу давр мобайнида ҳар бир номзодни обдон синаб, унинг лаёқати, ишчанлигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг аъзоликка қабул қиламиз. Қабул жараёнида илгаригидек қоғозбозлик, расмиятчилик кўринишларига барҳам бердик. Бундан кейин шаҳар партия комитети белгилаб берган рўйхатга кўра партияга қабул қилиш усули узил-кесил барҳам топади. Эндиликда номзодларнинг аризаларини бошланғич партия ташкилоти кўриб чиқади. Ҳал қилувчи сўз ҳам шу ерда айтилади. Бу бошланғич ташкилотлари обрўсини оширишга, мустаҳкамлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Умуман, бошланғич ташкилотларнинг ўз моддий базаларига эга бўлишлари ҳақидаги фикрни жуда тўғри деб ҳисоблайман. Ўз иш тажрибамиздан маълум: баъзан кекса коммунистларнинг ҳолидан хабар олиш, илғор коммунистларни тақдирлаш пайтида маъмурият ёки касаба уюшмасига илтимос қилишга тўғри келиб қолади. Бунинг устига кўп партиялик ва миллатлараро дўстлик туйғуларини шакллантириш ишимизнинг бош мезони бўлиб қолмоқда.

Бирлашма ишчи-хизматчиларидан 916 киши уй олиш учун навбатда турибди. Айни пайтда бу йил атиги 12 оилани уй билан таъминлаш мўлжалланган, холос. Маҳсулот ишлаб чиқаришга кўп сарф-харажат қилингани ҳолда тайёр маҳсулотнинг харид нархи паст. Шунингдек, ишсизлик муаммоси ҳам мавжуд. Шундай аҳволда бошланғич партия ташкилоти коммунистлар, ишчиларни «яна ҳам яхшироқ ишлаш»га чорлаш билан унинг обрўси ошиши даргумон. Партия йиғилишларида мана шундай принципиал масалаларни муҳокама этиш, тегишли ташкилотларга коммунистларнинг шу борадаги фикр ва мулоҳазаларини етказиш, бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш билангина ишчи синфининг КПССга ишончини мустаҳкамлаш мумкин.

Юқоридан кўрсатмалар кутиб ўтириш пайти ўтди. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўз корхонаси, цех ва бригадаси ҳаётига таъсир кучини ошириш мақсадида кўпроқ мустақилликка эришиш учун ўз фаолиятига янгича ижодий руҳ бахш этмоғи даркор. КПССнинг XXVIII съездида бошланғич партия ташкилотининг мақомини белгилашда масаланинг ана шу томонлари ҳам ҳисобга олингани кўнгилдагидек иш бўлди.

Т. МАҲМУДОВ,
Марғилон шаҳар «Атлас» бирлашмаси партия комитети котибининг ўринбосари.

СЕРТАШВИШ КУНЛАР

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигининг қайси бир кооперативи, қайси бир звеносида бўлманг, қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўласиз.

Пахтакорлар зарбдорчасига меҳнат қилишиб, ғўзалардаги ҳосилга ҳосил қўшиш пайидан бўлишяпти. Хўжаликнинг 3150 гектар майдондаги ғўзалари баравж ривожланяпти. Умуман барча майдонлар машинабоп қилиниб, теримга шай ҳолга келтириляпти. Миришкорлар етиштирилган жами ҳосилнинг 82 фоизини машиналар ёрдамида териб олишни кўзлашмоқда. Шу мақсадда 84 та «зангори кема» созлаб қўйилди.

Социалистик мусобақада Қўчқор Чўттибоев етакчилик қилаётган звено пешқадамлик қилаётир. Коллектив аъзолари бу йил 58 гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Шу сабабли ҳам бу ерда ғўза парвариши қизитилмоқда. Пайкалларга шарбат суви бериляпти.

Т. СОИНАЗОРОВ.

СССР Министрлар Советида

ДАЛА ВА ФЕРМА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯНГИ ХАРИД НАРХЛАРИ

● СССР Министрлар Совети 1991 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлатнинг янги харид нархларини жорий этиш тўғрисида 9 август куни қарор қабул қилди.

Харид нархлари Иттифоқ даражасида бозор муносабатларига ўтиш даврига мўлжаллаб маҳсулотларнинг чекланган рўйхати бўйича тасдиқланди.

Ҳукумат кунгабоқар, қанд лавлаги, пахта, зиғир маҳсулотлари, тамаки, навли чойбарги, чорва моллар ва парранданинг асосий турлари, сут ва қаймоққа харид нархи белгилади. Бу нархлар ўртача 32 фоиз оширилади. Маълумки, май ойида доннинг янги нархи жорий этилган эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қолган барча турлари ҳамда хом ашё учун харид нархларини белгилаш тартибини ва даражасини бундан буён иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари белгилайдилар. Қишлоқ хўжалиги билан бошқа тармоқлар ўртасида айрибош қилишнинг зарур баравар миқдорини сақлаб туриш учун ана шу нархларни ҳар йили ўзгартириш механизми кўзда тутилган.

СССР Министрлар Совети тасдиқлаган давлат харид нархлари саноат маҳсулотларига ва хизматга янги улгуржи нархлар ва тарифлар, солиқ солиш, суғуртанинг ўзгариши ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетлар билан бошқа ўзаро муносабатлари ўзгариши билан мувофиқлаштирилган бўлиб, хўжалик ҳисоби қоидалари асосида ишлаш учун яхши шароит яратади.

СССР ДАВЛАТ ҲАКАМЛИГИДА

● СССР Давлат ҳакамлигида жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар давлат ҳакамликлари ходимларининг кенгаши бўлди. Давлат ҳакамлиги идораларининг ҳозирги босқичдаги ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари шуни таъкидладиларки, жумҳуриятлар давлат мустақиллиги ва суверенитети қоидаларини амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарнинг қаерда бўлишидан қатъи назар, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир давлат ҳакамлиги идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Давлат ҳакамлари жумҳуриятлараро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва барқарорлаштиришга, хўжалик муносабатларида шартномавий интизомни мустаҳкамлашга кўмаклашадилар. Давлат ҳакамликлари баҳсли масалаларни ҳал этишда томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги қоидасига асосланадилар ва улар учун мажбурий бўлган қонунлар, жумҳуриятлараро шартномалар ва битимлар, шунингдек, корхоналар тузган шартномаларга амал қиладилар.

Давлат ҳакамликлари ўз муносабатларини ҳамкорлик руҳида қуришга; баҳсли масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар ва жумҳуриятларнинг бошқа норматив ҳужжатлари юзасидан муттасил равишда ахборот алмашиб туришга; баҳслар кўриб чиқилаётганида қонунни амалда қўлланиш хусусида бир-бирларига узлуксиз ахборот бериб туришга, ҳакамликларнинг амалий ишларини ташкил этишда биргалашиб чора-тадбирлар кўришга келишиб олдилар.

Жумҳуриятлар давлат ҳакамликлари билан СССР Давлат ҳакамлиги иқтисодий оборотнинг барча қатнашчилари — ҳуқуқий шахслар ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа хўжалик муносабатлари субъектларининг ҳуқуқлари тенг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида низоларни кўриб чиқишда давлат ҳакамлиги идораларининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ишларни олиб бораётганлиги кенгашда таъкидланди. Барча давлат ҳакамликлари мазкур масала юзасидан тегишли таклифларни давлат ҳокимияти идораларига тайёрлаб беришни тезлаштириши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Кенгашда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳакамлик ишларини ташкил этишнинг баъзи долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди ва давлат ҳакамлиги идоралари учун келишиб олинган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Съезддан кейинги мулоҳазалар

ХАЛҚНИНГ ЎЗИГА СУЯНИБ

Бундай катта анжуманда биринчи қатнашишим. Йигирма тўрт йилдан буён партия аъзосиман деб юраверган эканман. Коммунистнинг масъулияти нақадар мушкул ва шарафли эканини анжуманда иштирок этган кунларим чинакамига ҳис этдим. Шу ерда ўтириб ўз халқим тақдирига, мамлакат, партия тақдирига нечоғли дахлдор эканлигимни чуқур англаб, ҳушёр тортдим. Айниқса партия тақдири кун тартибида кўндаланг бўлиб қолган дақиқаларда бу ҳушёрлик ташвиш билан йўғрилиб, асаблар нақадар таранглашгани фақат ўзимизгагина аён.

Мен ҳам съезднинг айрим натижаларидан қониқиш билан, айрим қарорларидан кўнглим тўлмай қайтдим. Қониқишим боиси партияда бирликни сақлаб қолишга эришдик. Бу масалада соғлом кучлар ғалаба қилди. Айримлар, бу партиянинг охирги съезди, бундан кейин партия парчаланиб кетади, деб каромат қилдилар. Аммо бу гаплар пуч бўлиб чиқди. Ана шу фикрнинг амалга ошмай қолишида жумҳуриятимиздан сайланган 162 вакилнинг, жумладан, менинг ҳам хизматим бор. Ўзбекистон коммунистларининг вакиллари партия бирлиги учун қаттиқ туриб курашди, десам янглишмайман. Мен ўзим бу масалада 6 марта микрофон ва минбардан туриб фикр билдирдим. Партиянинг обрўсига путур етказиб юрган кишилар Марказқўм аъзолигининг таркибига кириб қолмаслиги учун фаол қарши турдик. Масалан, Лигачев номзоди муҳокама қилинаётганда у кишига Гдлян ва Ивановнинг жумҳуриятимизда қилган номаъқулчиликларида сиз ҳам ўзингизни оз бўлсада айбдор деб биласизми, деган мазмундаги саволимга жўялироқ жавоб ололмадим. Ваҳолонки, Егор Кузмич бу икки терговчининг Ўзбекистондаги дастлабки хатти-ҳаракатларини зўр бериб рағбатлантирганлардан эди.

Оқибатда 1,5 минг одам ноҳақ жазога тортилгани маълум бўлди ва озод қилинди. Уларга давлат ҳисобидан 2 миллион сўмдан кўпроқ пул тўланди. 9 та жиноятчи коммунист орқасидан 75 та қариндош-уруғи: ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари нотўғри қамоқда ушлаб турилди. Тўрт жабрдийда она қўлидаги норасида болалар қаровсиз қолди.

Жумҳуриятимизга марказдан юборилган Анишчев, Огарок, Дидоренко, Бутурлин, Сатин, Литвиненко, Русинов, Тёркин сингари кадрларнинг ерли халқ урф-одатларини, шароитини, тилини, дилини билмай кўр-кўрона раҳбарлик қилиши оқибатида норозиликлар кучайиб кетди. Натижада халқ ҳаёти янада оғирлашди. Қашшоқликда яшовчилар, ишсизлар сони ортди. Масалан Фарғона фожиаларининг вужудга келишида ҳам улар йўл қўйган хатоларнинг ҳиссаси бор, деб ўйлайман.

Худди шу масалада ҳам ўртоқ Лигачевга қатор саволлар бердик. Олган жавобларимиздан қониқмагач, у билан шахсан учрашиб, суҳбат қилдим. Бу мулоқотни Ўзбекистон телевидениеси ёзиб олувди, негадир ҳанузгача кўрсатишмаяпти. Мен Егор Кузмичга Ўзбекистонга марказдан юборилган раҳбар кадрларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида сўзлаб бердим. У бўлса, «Биз юборган одамларни ўзинглар янада юқори органларга делегат, депутат қилиб сайладинглар-ку» деб саволимга таъна билан жавоб берди. Бир ҳисобда унинг гапи ҳам тўғри. Масалан, Анишчев, Огарок, Сатинларни биз ўзимиз халқ депутати қилиб сайламадикми?!

Яна бир қизиқ факт: партия ишида мутлақо тажрибасиз, Москвадаги «Коммунист» жаридасининг бор-йўғи оддий ходими бўлиб ишлаган Лаврушко номли аёлни икки миллионли Тошкент шаҳар партия қўмитасига бир овоздан котиб қилиб сайладик. Гўёки у киши Норвегия тилини яхши билар эмиш. Шу лавозимда яхшигина ишлаб турган А. В. Гончаровани эса бўшатиб юбордик.

Энди съезддан қониқмаганим ҳақида...

Қанчалик уринмайлик, менга сўз беришмади. Умуман, бизнинг делегациямизга жуда кам сўз берилди. Иттифоқ коммунистлари ҳукмига ҳавола қилгулик гапларимиз, дарду-муаммоларимиз кўп эди.

Биз партия Уставининг кириш қисмига КПССни Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг иттифоқи, деб ёзиб қўйишни, 13-бандига эса съезд ва конференцияларда масъулиятли қарорлар қабул қилинаётганда албатта ҳар бир жумҳурият вакилларининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади, деб ёзиб қўйилишини таклиф қилдик, афсус ўтмади. Кўпинча, кичикроқ жумҳуриятлар учун манфаатли бўлмаган қарорлар Россия ёки Украина вакилларининг овози билангина ҳал бўлиб кетаверади.

Мени яна бир нарса, бизнинг катта анжуманларда қатнашишда ниҳоятда тажрибасизлигимиз афсуслантиради. Биз ана шундай катта йиғинларда қатнашиш маданиятини, ўз қадриятларимизни дадил ва ишонч билан ҳимоя қилишни ўрганишимиз зарур экан.

XXVIII съезд бизнинг олдимизга партия обрўсини тиклаш масаласини биринчи навбатдаги вазифа қилиб қўйган. Бунинг учун халққа яқин боришимиз, унинг қалб торларига таъсир этишимиз лозим. Съездда айтилган гапларни бузмай, бежамай, унинг ютуқларинию, камчиликларинию очиқ-ойдин баҳам кўришимиз керак бўлади. Масалан, мен ўзим съезддан қайтганимдан бу ён 15 дан ортиқ партия ташкилотларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, идораларда учрашувлар ўтказдим. Киров, Куйбишев, Бектемир район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, самолётсозлик заводи, Тошкент шаҳар транспортчилари бошқармаси, шаҳар ўт ўчириш бошқармаси ходимлари билан учрашдим, улар қизғин баҳс ва мунозараларга айланиб кетди. Тушунтиришларим, суҳбатларим одамлар кайфиятида акс этиб, ўз натижаларини бераётганидан ўзим ҳам хурсандман.

Тез кунда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўз ишини қайтадан бошлайди. Партия суверенитети комиссиясининг аъзоси сифатида, бир коммунист сифатида Ўзбекистон Компартиясининг обрўсини мустаҳкамлаш ва равнақ топтириш йўлида бор кучимни сарфлашга аҳд қилдим. Бу йўлдаги ҳар бир қадамимизда халқнинг мадади ёр бўлгай, деб умид қиламан.

Б. ҚОСИМОВ,
СССР Ички ишлар вазирлигига қарашли Москва ўт ўчириш инженерлик олий мактабининг Тошкент бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИГА ЧИҚМАСАК, ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ БЎЛМАЙДИ.
(Ўзбекистон Компартияси XXII съезди материалларидан)

Мамлакатимизда юз бераётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий жараёнлар турмушимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Жумладан, ижтимоий ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлар жамияти республика кенгашининг бугунги фаолиятида ҳам акс этяпти. Айни пайтда иттифоқдош жумҳуриятларга хўжалик ва иқтисодиётни юритишда кўпроқ мустақиллик берилаётганлигини ҳисобга олиб, республика ихтирочилари ўз тараққиёт йўлларини қайта қуриш талаблари асосида белгилаб олмоқда.

Ҳозир ихтирочилар жамиятининг янги ишланмаларни жорий қилишга таъсири кучайди. Ана шу мақсадда жамият кенгашлари ва уларнинг хўжалик ҳисобидаги ташкилотлари 400 дан зиёд муваққат ижодий жамоалар (ВТК)ни тузишди. Мазкур жамоалар ёрдамида халқ хўжалигига қўшимча 230 га яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифлари, илмий-техник янгиликлар жорий қилинди. 860 тадан зиёд хўжалик шартномаси тузилди. Уларнинг умумий миқдори 14 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Ихтирочилар жамияти республика кенгашининг VI съездидан кейинги амалий ишлар янгилик ижодкорлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, тўла хўжалик ҳисобининг жорий этилиши фойдали бўляпти. Муҳими, янгича ишлашнинг самараси фақат ихтирочилар жамияти обрўсини кўтариб қолмасдан, техник янгиликларни жорий этишнинг жадаллашувига, ихтирочи ва рационализаторларнинг ижодий баркамоллиги ошишига ҳам ёрдам бермоқда. Бироқ хўжалик ҳисобидаги иш фаолиятимизга танқидий кўз билан қарайдиган бўлсак, очиғини айтиш керак, биз ҳали бу йўналишнинг бошланишида турибмиз, холос. Дастлабки натижаларимизни таҳлил қилганимизда, шу нарса маълум бўлдики, ишимизни ўнглаб олишда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар анчагина.

Масалан, ихтирочилар жамияти негизи ҳисобланган бошланғич ташкилотлар ишини фақат сўзда эмас, балки амалда мустаҳкамлаб, тартибга солиш. зарур. Бунинг учун эса, энг аввало, уни ташкил этишда ихтиёрийликка эришиш, ихтирочи ва рационализаторлар қарашларини аниқ ифодалаб бериш, ўз-ўзини бошқариш ва маблағ билан таъминлаш усулига ўтиш керак.

Менимча, эндиликда бошланғич ташкилотларни тузиш, уларнинг молиявий базаси ва устав вазифаларини тубдан ўзгартириш зарурати туғилди. Уларни дастлаввал йирик корхоналарда юридик шахс ҳуқуқига эга шаклда «0,6 фоиз» деб аталувчи маблағларнинг тенг ярми қайтиши ҳисобига ҳосил бўлган молиявий база асосида ташкил этиш фойдали бўлур эди. Кейинчалик эса бошланғич ташкилотлар ҳаётийлигини ўз хўжалик ҳисоби ва ҳозиргидан анча юқори бўлган аъзолик бадаллари ҳисобига таъминлаш мумкин. Мазкур бошланғич ташкилотларнинг афзаллиги шундан иборатки, улар ихтирочилар ижодий имкониятларини биринчи галда ўз корхоналари фойдасига ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда сарфлайдилар. Ҳозир бизда 12 та ана шундай бошланғич ташкилот бор.

Яна битта имконият ҳақида. Бу ихтирочилар жамияти бўлинмаси сифатида корхоналар, шаҳар ташкилотлари ва районларни бирлаштирувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳудудий бошланғич ташкилотларни тузишдир. Бизнингча, бундай территориал ташкилотларни бир неча корхоналарга эга бўлган бирлашма ёки ҳаваскорлар техник ижодиёти клублари базасида ҳамда маҳаллий шароитга тўла мос келадиган бошқа муассасаларда ҳам ташкил қилса бўлади. Энг муҳими, бунда бир хилликдан қочиб, ишга ижодий ёндашиш керак.

Яқинда Сирдарё областида хўжалик ҳисобидаги биринчи ана шундай ҳудудий ишлаб чиқариш ташкилоти тузилди. Давлат банки бўлинмасида эса ушбу ташкилотнинг ўз ҳисоб счёти очилди.

Шу билан бирга, айни пайтда жамиятнинг бошланғич бўлимларида хўжалик ҳисобини мукаммаллаштириш зарур бўлиб қолмоқда. Бунда, КПСС XXVIII съездида таъкидланганидек, хўжалик юритишнинг турли — пудрат, ижара, оила ва бошқа шакллари бир хил имкониятга эга бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиняпти.

Тўғриси, хўжалик юритишнинг барча янги шаклларидан самарали фойдалана олмаяпмиз. Баъзан эса хўжалик ҳисобининг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий томонларини яхши билмаслик панд бераяпти. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда қатор кенгашлар янгича усулни пухта ўзлаштириб, самарали натижаларга эришяптилар. Кўпгина кенгашлар бу борада анчагина тажрибага эга бўлишди. Жумладан, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтирочилар жамияти кенгаши ўтган йил бошида мустақил хўжалик шартномаси асосида, юқори сифатли техник ишланмаларни муваққат ижодий коллективлар ёрдамида жорий қилиш хусусида ташаббус билан чиқди. Ташаббусни маъмурият ва касаба союз уюшмаси, ихтирочилар жамияти вилоят кенгаши ҳам маъқуллади.

Бирлашма ихтирочилар кенгаши банкда ўз ҳисоб счётига, муҳри ва штампига эга бўлиб, юридик шахс ҳисобланади. Бу ерда 84 кишидан иборат 10 та муваққат ижодий коллектив ташкил қилинган. 1989 йилда бирлашма маъмурияти билан 61,5 минг сўмлик 10 та шартнома тузилди. Ўтган йилнинг 1 декабригача умумий ҳисоби 37,2 минг сўмлик 7 та шартнома имзоланди. Бундан олинган иқтисодий самара эса 185 минг сўмни ташкил қилди.

Табиатни муҳофаза қилишда «Экология» илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Фан», «Пьеза», «Биос», «Алинит» сингари бошқа ихтирочилар марказлари ҳам хайрли ишларни амалга оширяптилар.

Бундан ташқари, хўжалик юритишнинг янгича моделн сифатида яқинда ихтирочилар жамияти жумҳурият кенгаши структурасида ихтирочилик ва рационализаторлик ишига кўмаклашиш фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлинмаси (УзФИД) тузилди. Фонд айни пайтда умумий қиймати 350 минг сўмлик 15 та хўжалик шартномасини амалга оширяпти, 7 та корхонада эса «Электромагнитли вал» ихтироси жорий қилинаяпти. Жумҳуриятнинг бошқа корхоналарига ҳам худди шу ишланманн кенг қўллаш мақсадида уни ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда.

Ҳозир биз ихтирочи ва рационализаторларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишига ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Лекин, менимча, ихтирочи ва рационализторлар жамияти ташкилотларига тўла мустақиллик берилгандагина ижодкорлар жамияти аъзоларининг аҳволи бирмунча яхшиланиши мумкин. Бунинг учун Бутуниттифоқ ихтирочилар кенгаши билан жумҳурият кенгаши ўртасидаги муносабатларни тубдан қайта қуриш зарур.

Марказ минтақадаги кенгашларга ташкилий-молиявий ишларни амалга оширишда тўла мустақиллик бериши керак. Ана шундай қилинганда ихтирочилар жамияти ижодкорлари ижтимоий муаммоларини тез ҳал қилишга имкон туғилади.


Биз бу йўналишдаги амалий таклифларимизни яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти марказий кенгашининг VII пленуми қатнашчилари ҳукмига ҳавола қилдик. Ўйлаймизки, тез орада таклифларимизга ижобий жавоб оламиз.

Айни кунларда жамиятимиз кенгаши тўпланган тажрибаларни, ҳудудий бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришга, илмий-техника тараққиёти масалаларини ҳал қилишга, янги техника ва илғор технологияни жорий қилишга қаратмоқда.

Т. АЛИМОВ,
Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон жумҳурият кенгаши раиси.

Иқтисодий мустақиллик чорраҳаларида

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ



Пастдарғом районидаги китобни қайта ишлаш ва комплектлаш бўлими халқнинг маданий мулкини асраш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Икки ойда ўн бир минг дона турли адабиётлар олиб, 7,5 мингини қайта ишлаб райондаги кутубхоналарга тарқатиб чиқилди. Ана шу савобли ишда кутубхоначи Клара Каримова ҳам фаол иштирок этди. У тўққиз йилдан бери шу бўлимда хизмат қилиб, меҳнатда бошқаларга намуна бўлаётир.

Суратда: кутубхоначи Клара Каримова.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

КОМИССИЯ: режалар ва воқелик

● Қрим татарларни ўзининг тарихий ватанига қайтариш муаммосини мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш билан тўла-тўкис уйғунлаштирган ҳолдагина ҳал этиш мумкин — қрим татар халқи муаммолари билан шуғулланувчи давлат комиссияси шундай хулосага келди.

Комиссия шу йилнинг январь ойида тузилган эди. Шу вақт ичида анча ишлар қилинди. Айни пайтда жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Энг аввало, у шуғулланаётган муаммолар мамлакатимизда 45 йилдан бери ҳал этилмай келинар эди. Шу боисдан бир неча ой ичида ишни ўрнидан силжитиш, неча ўн йиллар мобайнида юзага келган тўсиқларни бартараф этиш мумкин деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. СССР Олий Совети қабул қилган қарорларни рўёбга чиқариш учун узоқ вақт керак бўлиши тушунарли.

Комиссия қрим татарларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалалар доирасини аниқлаб олди ва уларни ишлаб чиқишга киришди. Жумладан, Қримга кўчиб келиш хоҳишини билдирган кишилар сони, ижтимоий-нуфус ҳолати, касбкорини аниқлади, шу асосда қанча қўшимча уй-жой ва ижтимоий-маданий иншоотлар, иш ўринлари керак бўлишини ҳисоблаб чиқди.

Бу масаллар, энг аввало Украина ССР Министрлар Совети, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматлари, Қрим вилоят ижроия комитети, бир қанча Иттифоқ министрликлари томонидан муҳокама қилинди. Комиссия улар келишиб олган ёндашувлар асосида қрим татарларни ўзларининг тарихий ватанига қайтаришнинг тўла-тўкис давлат дастури концепциясини ҳам тасдиқлади.

Комиссия долзарб вазифаларни ҳал этишнинг биринчи галдаги тадбирларини бу йил ва келаси йилда белгилаб олиш зарур, деган хулосага келди. Ана шу тадбирлар орасида Қримга келган оилаларга уй-жой қурилиши учун ер ажратиш, қайтиб келаётганларни жойлаштириш чизмаларини пухталаштириш, Қрим вилоят ижроия комитетида белгиланган режаларни бажарадиган ихтисослашган бўлимлар ҳамда район ижроия комитетларида мутахассислар гуруҳини тузиш каби масалалар бор.

— Ишимизга бир хил муносабат билдиришаётгани йўқ, — деди давлат комиссиясининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси бўлим мудирининг биринчи ўринбосари Б. П. Плишевский. — Бу кўп жиҳатдан комиссия иши хусусидаги хабарларнинг камлиги билан изоҳланади. Қрим татарлар миллий ҳаракатининг баъзи раҳбарлари аҳолини мазкур муаммони бир ярим йил—икки йил ичида ҳал этиш мумкин деб ишонтиришга уринмоқдалар. Давлат комиссияси Иттифоқ Министрлар Совети аслида нима қила олиши мумкинлигига асосланиб, уни ҳал этишга яқинлашмоқда. Иттифоқ ҳукуматида бундай дастур битта эмаслигини унутмаслик керак. Украина учун эса, Қрим татарларнинг қайтиб келишидан ташқари ҳозир Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш муаммоси ҳам ўткир бўлиб турибди. Уларнинг қай бирини энг аввало рўёбга чиқариш кераклигини жумҳуриятнинг ўзи ҳал этиши керак.

Шуни айтиш керакки, мамлакатдаги умумий ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади. Бугунги кунда мазкур дастурни амалга ошириш учун Иттифоқ ҳукумати, жумҳуриятларнинг ҳукуматларидан кўплаб қўшимча маблағлар талаб қилиниши маълум. Бинобарин, шу йилнинг биринчи ярмида миллий даромад ҳажми қисқарди, мазкур дастур ана шу даромад ҳисобидан рўёбга чиқарилиши мумкин эди. Бугунги кунда вужудга келган вазиятда биринчи галдаги тадбирларни ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобидан амалга оширишга тўғри келади. Ишлаб чиқаришдаги инқироз бартараф этилган, халқ хўжалиги янада ривожлантирилиб, миллий даромаднинг ўсиши таъминланган шароитдагина бутун дастур мажмуини бажариш мумкин бўлади.

Қрим татарларнинг кўпчилиги комиссиядан биринчи навбатда Қрим АССР тикланиши тўғрисидаги масалани ҳал этишни талаб қилмоқда. Қрим вилояти жамоатчилиги ва қрим-татар аҳолиси вакиллари билан яқинда Симферополда бўлган учрашувда ҳам шундай талаблар айтилди. Комиссия ўзининг ҳар мажлисида мазкур мавзуда у ёки бу жиҳатдан мунозара қилишга қайтишга мажбур бўлмоқда. Унинг бу масалада тутган йўли белгилаб олинган ва жамоатчиликка бир неча бор тушунтирилган. Комиссия ижроия ҳокимият—ҳукумат фаолиятига тааллуқли амалий вазифалар билан шуғулланмоқда. Қрим АССРни тиклаш масаласи эса қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг — СССР ва УССР Олий Советларининг ваколатига киради.

Айтилган барча гапларга шуни ҳам қўшиш керакки, мазкур дастур давлат комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан вақтда мавжуд бўлган шароитлардан тубдан фарқ қиладиган вазиятда амалга оширилади. Ўшанда Иттифоқ шартномасини янгилаш тўғрисида эндигина гапира бошлашганди, жумҳуриятларнинг мустақиллиги тўғрисидаги қонунлар ҳам йўқ эди, бошқариб турилаётган бозорга ўтиш ҳақида эса умумий гаплар бўлаётганди.

Ҳозир буларнинг ҳаммаси муайян воқеликка айланди, дастурни рўёбга чиқаришдаги аввалги ёндашувларни тубдан ўзгартириб юборди. Барча манфаатдор томонлар, Иттифоқ ҳукумати ва қрим татарлар яшайдиган иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари шартномавий асосда ҳамкорлик қилишлари зарурлиги равшан бўлиб қолди. Хуллас, буларнинг ҳаммасини ошкоралик, ижтимоий турмушни демократиялаш асосида ҳамда бутун Қрим аҳолисининг фаол иштирокида ҳал этмоқ зарур.

О. КУЛИКОВ,
ТАСС мухбири.
Москва.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

● Чуст чарм-атторлик фабрикаси дастлабки маҳсулотини чиқара бошлади.

Корхона ишга туширилиб, маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан меҳнатга лаёқатли кишиларни қисман бўлсада, иш билан таъминлаш имкони яратилди. Дастлабки кунданоқ 50 нафар ёш йигит ва қиз ишга қабул қилинди. Йил охиригача яна 200 киши ишга олинади.

— Имкониятлар етарли, — деди фабрика директори Қ. Боқиев. — Тошкент чарм-атторлик бирлашмаси бизга яқиндан ёрдам беряпти. Фабрикамиз бевосита шу корхона базасида ташкил этилган. Корхона маъмурияти малакали кадрлар тайёрлашда ҳам кўмаклашяпти.

А. МАДАТОВ.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ҒАМХЎРЛИККА МУҲТОЖМИЗ»

Газетамизнинг шу йил 26 июнь сонида шу сарлавҳа остида Тошкент шаҳри почтачиларининг мурожаатномаси босилган эди. Унда почтачиларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, моддий манфаатдорлигини кўтариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган муаммолар баён этилганди. Газета эълон қилинган мурожаатнома юзасидан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигидан расмий жавоб олди. Қуйида шу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Алоқа министрлиги «Совет Ўзбекистони» рўзномасида «Ғамхўрликка муҳтожмиз» сарлавҳаси остида босилиб чиққан Тошкент шаҳри почтачиларининг мурожаатномасини ўрганиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Жумҳурият алоқа ходимларининг 20 фоизини почтачилар ташкил этади, улардан ярмиси — аёллар. Кунига улар 6 миллион дона марказий, жумҳурият, маҳаллий рўзнома ва жаридаларни жойларга етказиб берадилар. Бундан ташқари почтачилар аҳолига нафақа, пул юбормалари, хат-хабар, бандероль жўнатмаларни етказиб бериш, конверт, открткалар сотиш, қишлоқ жойларига телеграммалар топшириш каби хизматларни ado этадилар.

Ҳозирги вақтда почтачилар меҳнати етарли механизациялашмаган, рўзномаларни саралаш, манзиллар бўйича тақсимлаш қўлда бажарилади.

Меҳнат шароитлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: почтачилар халталари, велосипед, мотороллер, мотоцикларга бўлган эҳтиёж қаноатлантирадиган даражада эмас. 400 алоқа бўлими яроқсиз хоналарда жойлашган. Почтачиларнинг ўртача ойлик маоши 144 сўмни ташкил қилади, бу эса халқ хўжалиги ходимининг ўртача ойлик маошидан 35 фоиз камдир. Мазкур омиллар кадрларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда, почтачи касби нуфузи тушиб кетяпти.

Алоқа соҳасида почтачиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга имкон туғдириш учун муайян ишлар қилинмоқда.

Хусусан тармоқ министрлиги томонидан корхоналар бошлиқларига почтачиларнинг моддий, ижтимоий, маиший шароитларини яхшилаш борасида кенг ҳуқуқ берувчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Улар қуйидагилардан иборат:

— вақтинча ишламаётган ёки ўрни бўш бўлган почтачиларнинг вазифаларини бажарувчиларга ўрни бўш ходимларнинг 100 фоиз ойлик маошини тўлаш;

— иш ҳақи фонди ҳисобига ва унинг доирасида II класс учун маошнинг 16 фоизи ва I класс учун 20 фоизигача устама ҳақ тўлаш;

— ижтимоий тараққиёт маблағлари ҳисобидан иш киймларини бепул бериш, чакана савдо дўконларидан касаба уюшмалари қўмиталари билан келишилган нархларда пойабзал сотиб олиш;

— велосипедлардан фойдаланиш муддатларини мустақил белгилаш ва уларни муддат вақтидан ўтгач почтачилар доимий ихтиёрига топшириш;

— почтачилар меҳнат ҳақи фонди ҳисобидан энг юқори миқдорда мукофотлашдаги чекланишларни бекор қилиш;

«Почтачининг 10, 15, 20 йил бенуқсон хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳақидаги Низом тасдиқланди, йиллик иш якунларига қараб ойлик маош ҳисобидан ҳар ойдаги мукофот ва тақдирлаш пулини 10, 15, 20 фоизга ошириш.

Алоқа министрлиги томонидан почтачилар меҳнатини енгиллаштириш учун 1989—1990 йилларда 2090 минг сўмлик жиҳозлар олинди. Жумҳурият корхоналарига йилига 18 тадан енгил автомобиллар берилади. 1988—1990 йилларда 1850 минг сўмлик иш кийимлари алоқа корхоналарига тақсимлаб берилди.

Урганч, Бухоро, Қўқонда айирбошлаш пунктлари ишга туширилди. Наманган, Қарши шаҳарларида почтамтлар, ўнлаб алоқа бўлимлари қурилди. Жорий йилда Нукус, Андижон шаҳарларида айирбошлаш пунктлари қурилишини якунлаш, шунингдек, Андижон шаҳрида рўзнома ва жаридалар комплексини ишга тушириш кўзда тутилган.

Жумҳуриятда қишлоқ типидаги почта қутиларини ишлаб чиқиш ташкил этилган. 1989—1990 йилларда 5 мингта қутн ишлаб чиқилди. Жаридалар участкаси қайта ишлаб чиқилди, илова қилинаётган ҳужжатлардан кўчирма беришда электрон машиналардан фойдаланиляпти. Матбуотни ташиш, қабул қилиш, саралаб жойларга етказиб бериш янги тарифлари ишлаб чиқилиб, Давлат нархлар қўмитасига тасдиқлаш учун топширилди. Бироқ бу чора-тадбирлар почтачиларнинг ҳамма муаммоларини ҳал қила олмайди, чунки қатор масалаларнинг ҳал этилиши тармоқ ходимларига боғлиқ эмас.

Почтачилар, алоқа корхоналарининг иш тартиби рўзномаларнинг нашрдан чиқиш вақтига, авиа ва темир йўл транспортининг ҳаракат жадвалига боғлиқ. Рўзномаларни белгиланган муддатидан 1,5 соат кечиктириб берилиши почта алоқаси ишига, шу жумладан почтачилар ва автотранспорт ишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса қўшимча молиявий харажатларни талаб этади, нашрларни эгаларига вақтида етказиб беришга салбий таъсир кўрсатади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг кеч нашрдан чиқиши уни обуначиларга шу куни етказиб беришни таъминлашга имкон бермайди, бу эса обуначиларнинг ўринли шикоятларига сабаб бўлмоқда. Редакцияларга рўзномалар чиқиши ҳақиқий вақти ва жадвали ҳақидаги ахборотни ҳар сонда бериб бориш хусусидаги мурожаатларимиз эътиборсиз қолмоқда.

Марказий Комитет нашриётн томонидан юборилаётган стандарт боғламаларда рўзномалар нусхалари камомади юзасидан алоқа корхоналарининг эътирозларн кўп.

СССРдаги корхоналар ҳақида, «Матбуот ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари ҳақида»ги СССР Қонунлари асосида Алоқа министрлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётн билан асосли нархларда матбуотни тарқатиш, қабул қилиш, юбориш, етказиб бериш ва боғламларга бўлиш кабилар учун ҳақ тўлашни, шунингдек, обуначиларга матбуотни ўз вақтида етказиб беришни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни кўзда тутувчи тенг ҳуқуқли, иқтисодий муносабатлар асосида шартнома тузишни режалаштирмоқда.

Алоқа министрлиги томонидан мақолада қайд этилган почтачиларнинг муаммоларини босқичма-босқич ҳал қилиш дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур алоқа ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитаси, «Вечерний Ташкент», «Совет Ўзбекистони» рўзномалари редакциялари, Давлат меҳнат қўмитаси, Давлат нарх-наволар қўмитаси, Автотранспорт министрлиги, Тошкент электротехника алоқа институти, Тошкент алоқа политехникуми, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти алоқа корхоналари бошлиқлари иштирокидаги умумий мажлисда маъқулланди.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Кўрлар жамияти корхоналарининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, янгилаш ва реконструкция қилиш муаммолари мазкур жамоат ташкилоти бошқарувининг пленумида муҳокама қилинди.

Пленумга йиғилганлар Ўзбекистон Кўрлар жамияти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришга доир тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори қандай бажарилаётганлигини батафсил муҳокама қилдилар. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг биринчи ярим йилликдаги якунлари чиқарилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ КАСАБА УЮШМАСИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР ўрмон тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг биринчи съезди тугади. У ўрмон, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати ишчилари жумҳурият касаба уюшмаси ўрнига ташкил этилган. Тармоқ касаба уюшмасининг ҳозирги шароитдаги вазифалари муҳокама этилди, унинг устави ва программаси қабул қилинди. Янги касаба уюшмасининг раҳбар органлари сайланди.

Съезд делегатлари жумҳурият касаба уюшмалари федерацияси устави лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССР Ўрмон тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси марказий комитетининг раиси этиб П. Н. Нурмирзаев сайланди.

Съезд ишида ВЦСПСнинг масъул ходими Л. И. Баранова иштирок этди.

(ЎзТАГ).



ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

13 август, душанба

ЎзТВ-I. 17.30 «Тошкент» студияси. 19.30 Ахборот. 20.30 Время. 22.00 Ахборот.

ЎзТВ-II. 18.00 «Насиба» Фильм-концерт. 18.40 «Тиниқ осмон». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 «Гулшан» эстрада оркестри. 22.00 Ахбор. 22.20 «Зўраки ўғирлар». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Ҳайвонот оламида. 9.05 Концерт. 9.25 Ҳужжатли фильмлар. 10.10 Кинопанорама. 11.40 Мультфильм. 12.00 Время. 15.00 Мультфильм. 15.15 Эскимослар рақсга тушади. 15.40 Болалар соати. 16.40 Концерт. 17.00 Илмий хабарнома. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.00 Время. 18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.00 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Ҳиндистонда бир ой. Фестиваль ҳақида. 22.35 Концерт. 23.15 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 Ҳужжатли фильм. 8.50 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 10.00 Фолбинлик психодинамикаси. 11.20 Тақрорий телефильмлар. 12.40 Концерт. 16.35 Жаҳон автомобиль спорти. 17.20 Мусаввир В. Ортиқов билан учрашув. 18.00 Время. 18.30 Мультфильмлар. 18.55 Коллаж. 19.00 БССР Давлат телерадиоси. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Озарбайжон, 1990 йил ёзи. 20.45 Кўрсатув эфирга чиқди. 21.10 «Бир стакан сув». Бадиий фильм. 22.15 Жаҳон мерганлик чемпионати.

14 август, сешанба

ЎзТВ-I. 17.25 Янгиликлар. 17.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.00 Футбол. Пахтакор» — «Таврия» (Симферополь). 19.45 Раққоса Гулчеҳра Юсупова. 20.30 Время. 21.00 Мамарасул Бобоев. «Она қалби». 21.50 Телефильм. 22.00 Ахборот. 22.20 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 18.05 Концерт. 18.30 «Серафим Фроловнинг муҳаббати». Бадиий фильм. 19.50 СССР регби чемпионати. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Кино оламида. 22.00 Ахбор. 22.20 «Бозьефт». Марина Костюкевич.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Бадиий фильм, 1-серия. 9.30 Саёҳатчилар клуби. 10.30 Бу бўлган... бўлганди... 10.50 Мультфильм. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.00 Мультфильм. 15.15 Конго куйлари ва оҳанглари. 15.35 Фильм-концерт. 16.20 Покистон: мураккаб оддий кундалардан байрамларгача. 16.45 Биз ва ижтисодиёт. 18.00 Время. 18.30 Бор бўл, мусиқа. 19.00 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Бадиий фильм, 2-серия. 20.30 Время. 21.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Ҳайвонлар цирки. 9.00 Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 9.40 Болалар учун фильм. 10.45 Югославияда халқаро болалар қўшиқлари. 11.15 Ритмик гимнастика. 11.45 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 5-серия. 16.30 Концерт. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.25 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 Жаҳон баскетбол чемпионати. 20.15 Коллаж. 20.20 Файласуф Ф. Флоренский ҳақида. 21.10 «Бир стакан сув». Бадиий фильм, 2-серия. 22.15 Жаҳон мерганлик чемпионати.

15 август, чоршанба

ЎзТВ-I. 11.30 Телефильмлар. 13.15 «Серафим . Фроловнинг муҳаббати». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 18.55 Депутат ва ҳаёт. 19.30 Ахборот. 19.45 Ҳиндистон мустақиллиги куни. 20.20 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 «Марям Саттарова ва Абдулҳай Каримов». 21.40 Телефильм. 22.00 Ахборот. 22.20 Очилхон Отажонов куйлайди.

ЎзТВ-II. 18.05 Телефильм. 18.35 «Марина». Бадиий фильм. 19.50 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.40 «Сиртлон изидан». 22.00 Ахбор. 22.20 «Ҳаётий деҳот». 23.00 «Азизим Елена Сергеевна». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Бадиий фильм, 2-серия. 9.35 Концерт. 10.00 Адабий-бадиий программа. 12.00 Время. 15.00 Концерт. 15.50 Мультфильм. 16.00 Болалар соати. 17.00 Ҳиндистон: диёнатда қатъият. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.45 «Орол» Бадиий фильм, 1-серия. 20.25 Коллаж. 20.30 Время. 21.00 Резонанс 22.15 Концерт. 23.00 Рақслар. 23.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 Ҳужжатли фильмлар. 9.00 Бор бўл, мусиқа. 9.45 Мультфильм. 10.05 Болалар учун фильм. 11.10 Ҳужжатли фильм. 11.30 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 6-серия. 17.00 «Ёз кечасидаги туш». 17.10 Латвияда хуторларни тиклаш муаммолари. 18.00 Время. 18.30 Жаҳон баскетбол чемпионати. 20.10 Коллаж. 20.15 Ҳужжатли фильм. 21.35 «Балтазар». Спектакль. 22.20 Ақл-идроксиз куч керакми? 23.00 Жаҳон мерганлик чемпионати.

16 август, пайшанба

ЎзТВ-I. 11.30 Ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Хивача ажрим». Фильм-концерт. 13.00 «Марина». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильмлар. 18.15 Профессор Тўғон Эрназаров. 18.50 Мусиқий кўрсатув. 19.30 Ахборот. 19.45 Шеърият дафтаридан. 20.00 Янги Иттифоқ шартномаси. 20.30 Время. 21.00 Камолиддин Раҳимов куйлайди. 21.30 Сиёсий ва иқтисодий мавзуларда суҳбат. 22.00 Ахборот. 22.20 Телетомошабинларнинг саволларига жавоблар. 22.50 Хотира. Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошхон Султонова ижоди.

ЎзТВ-II. 18.05 Телефильм. 18.20 Томошабин ва санъат. 19.05 «Сўнгги таътил». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 «Дилшод» ансамбли. 21.45 Ҳужжатли фильм. 22.00 Ахбор. 22.20 Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Орол». Бадиий фильм, 1-серия. 9.45 Концерт. 9.55 Инсон. Ер. Коинот. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.00 Концерт. 15.55 Мультфильм. 16.20 Чернобиль ҳалокати оқибатлари. 17.55 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.50 «Орол». Бадиий фильм, 2-серия. 20.30 Время. 21.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.15 Ҳайвонлар цирки. 9.00 Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 9.30 Саёҳатчилар клуби. 10.30 Бу бўлган... бўлганди... 10.50 Мультфильм. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.00 Мультфильм. 15.15 Конго куйлари ва оҳанглари. 15.35 Фильм-концерт. 16.20 Покистон: мураккаб оддий кундалардан байрамларгача. 16.45 Биз ва иқтисодиёт. 18.00 Время. 18.30 Бор бўл, мусиқа. 19.00 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Бадиий фильм, 2-серия. 20.30 Время. 21.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.00 ТСН.

17 август, жума

ЎзТВ-I. 11.30 Телефильмлар. 12.30 Сўнгги таътил». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильмлар. 18.00 Футбол «Пахтакор» — «Тирас» (Тирасполь). 19.50 Советлар янги шароитда. 20.30 Время. 21.00 Ўзбек классик қўшиқлари. 21.50 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 «Кўрқувнинг давоси». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 18.05 Тенгдошлар. 18.50 «Марду-майдон». Бадиий фильм. 20.10 Телефильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Шашмақом дурдоналари. 22.00 Ахбор. 22.20 Оҳанги зиндаги. 23.20 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Орол». Бадиий фильм, 2-серия. 9.45 Концерт. 9.50 Андроников ҳикоялари. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Время. 15.45 Болалар қўшиқлари. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.45 Индонезия рақслари. 17.15 Компьютер билан мулоқот. 18.00 Время. 18.30 Узоқ Шарқда эркин иқтисодий зона яратиш. 19.00 Концерт. 19.15 Долзарб интервью. 19.25 «Гуноҳ болалари». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 ИИМ маълумотларига кўра. 21.15 Бу бўлган... бўлганди. 21.45 Руслар Америкаси. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадантарбия. 8.20 «Робин Гуд ёйи». Спектакль. 10.15 Концерт. 10.25 «Ғамдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 11.30 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 8-серия. 16.30 Мультфильм. 16.40 Мусиқий кўрсатув. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.25 Коллаж. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 «Сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз». 20.30 Ҳужжатли фильм. 20.50 Концерт. 21.20 Спорт ҳамма учун. 21.35 «Сопот-90».

18 август, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм. 11.25 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 12.00 Спорт кўрсатувлари. 13.00 «Қора камар». Спектакль. 14.30 Орол ҳаммолари. 15.20 Мусиқий кўрсатув. 18.05 Мультфильм. 18.15 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.45 Оламга саёҳат. 19.30 Ахборот. 19.45 Дуторчи қизлар ансамбли. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 Телеминиатюралар. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Ёдингдами?». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. Душанбе. 9.00 Савту калом. 10.55 Фильм-концерт. 11.15 Фильм-спектакль. 17.55 «Қора маклер». Бадиий фильм. 19.30 Янгиликлар. 19.50 Мулоҳазалар кўзгусида. 20.30 Время. 21.00 Жумҳурият халқ артистлари. 22.00 Ахбор. 22.20 Теленовелла. 23.05 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Онам, дадам ва мен. 8.35 Йил фасллари. 9.35 Концерт. 10.15 НЛО: Бельгия учбурчаги. 10.45 Ҳужжатли фильм. 11.25 Тижорат хабарномаси. 11.35 Пи белгиси билан. 12.55 «Бурда моден». 12.25 Болалар учун фильм. 13.55 Полтава бадиий музейи. 14.20 Мультфильмлар. 15.00 Америка киноси саҳифаларида. 16.05 Концерт. 17.10 Халқаро панорама. 17.55 Долзарб репортаж. 18.05 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 Мультфильм. 21.30 Концерт. 23.55 ТСН.

МТ-II. 7.30 Бадантарбия. 7.50 Телевизион фильм. 9.15 Спектакль. 12.20 Мультфильм. 12.30 Рус тили. 13.00 Жаҳон баскетбол чемпионати. 14.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 17.30 «Қочоқ». Бадиий фильм. 18.10 ва 18.55 Ҳужжатли фильмлар. 19.25 Коллаж. 19.30 Мультфильм. 19.45 Концерт. 20.30 Время. 21.00 «Сопот—90». 00.35 «31-бўлим ҳалокати». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

19 август, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Тижорат хабарлари. 10.20 «Подшо Пётр арабни уйлантиргани ҳақида ҳикоя». Бадиий фильм. 12.00 Қувноқ стартлар. 13.00 Деҳқон ва замон. 14.00 Алифбо сабоқлари. 14.35 «Тошкент» студияси. 15.15 Сиз севган достонлар. 16.05 Ишнинг кўзини билиб. 16.35 Қарор ва ижро. 18.00 Жумҳурият болалар бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерти. 18.40 Илмий-оммабоп программа. 19.10 Телефильм. 19.30 Ахборот. 19.50 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 20.30 Время. 21.00 Якшанба оқшомида. 22.00 Ахборот. 22.20 «Туш ўнгидан келди, ёки чемодан». Кинокомедия.

ЎзТВ-I. Душанбе. 9.00 «Сапеда». 10.05 Реклама. 10.15 Кинопрограмма. 11.45 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм, 2-серия. 18.20 «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Бадиий фильм. 19.45 «Суруи сулҳ». 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ҳафта. 22.30 Навои Бадахшон. 23.40 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 «Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Здоровье. 12.45 «Невараларимга аталган цирк». Бадиий фильм. 14.00 Қишлоқ янгиликлари. 15.15 Педагогика ҳамма учун. 16.15 Япония болалар ансамбли чиқиши. 16.45 «Енгил қадамлар». Бадиий фильм. 18.20 «Валерий Леонтьев Ҳиндистонда». 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.25 «Номсиз қаср». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 «Сопот—90».

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.50 Ҳужжатли фильм. 9.00 Наврўз. 9.20 «Ярмарка». Бадиий фильм. 10.25 Мультфильм. 10.40 «КВН-90». 12.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 15.00 Жаҳон баскетбол чемпионати. 16.30 Халқаро программа. 17.30 Концерт. 18.55 Объектив. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Коллаж. 19.50 Борис Пастернак ҳақида. 20.30 Время. 21.00 «Тоғлар тутаяпти». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 23.45 Жаҳон мерганлик чемпионати.

ҲАММАСИ ЎҚУВЧИЛАРГА

ФАРҒОНА. Область марказининг барча районларида бир йўла бир нечта мактаб бозори иш бошлади. Бу ерда ўқиш анжомларидан ташқари ўқувчилар учун кийимкечак, пойафзал ва бошқа саноат моллари сотиш ҳам йўлга қўйилди.

Суратда: Қиргулидаги китоб бозори. Сотувчи Содиқ Мамажонов ўқувчи харидорларга хизмат кўрсатмоқда.

Ш. ОЛИМОВ
туширган сурат
(ЎзТАГ).

• *Педагогларга қўлланма*

ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

«Қайта қуриш даврида жамиятимиз ғоя ва мақсадларини тарғиб этувчи мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг фаоллигини ва касб маҳоратини шакллантириш ўрта махсус ўқув юртларининг муҳим вазифаларидан биридир. Партия ва халқ фаолияти мамлакат иқтисодий ва ҳўжалик механизмини, социал муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган бугунги кунда ўрта махсус мактаблари бўлажак мутахассисларининг умумий ва касб тайёргарлигини ошира бориб, социал-иқтисодий ва илмий-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлари керак».

Бу сатрлар Москвадаги «Высшая школа» нашриётида яқинда чоп этилган Я. Ҳайдаровнинг «Ўрта махсус мактабларда педагогика масалалари: умум ва профессионал таълим муштараклиги» китобидан олинди. Китоб ўзига хослиги, илмий материалларга бойлиги, мамлакатимиз ўрта махсус мактабларининг қайта қуриш давридаги актуал муаммолари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилганлиги билан характерланади. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу китоб ўқув юртларининг нафақат бошловчи муаллимларига, балки тажрибали ўқитувчилар учун ҳам қўлдан қўймайдиган қўлланмага айланиб қолади.

Муаллиф ўзи учун осон йўлни танламаган. Психологик-педагогик тадқиқотлар ва илғор тажриба умумлашмалари пировардида умум ва профессионал таълим асосларини яратиш ва бир вақтда бунга ўқитувчиларнинг амалий раҳбарлигини таъминлаш йўлларини қидиради. Бу эса таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш, ёш авлодни гармоник ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги азалий таълимот қоидаларига ҳам, бугунги кун талабларига ҳам тўла жавоб беради.

Китоб-қўлланмадаги барча муҳим масалалар ўрта махсус ўқув юртларида умум ва профессионал таълим муштараклиги муаммосига келиб боғланади. Чунки касб маҳоратини шакллантиришни таълим билан омухталаштириш нафақат жумҳуриятимизда, балки мамлакатимизда ҳам мактаб коллективлари олдидаги катта ва қийин муаммо бўлиб келаётир. Муаллиф бунда ўқув жараёнида ва мутахассисларни тайёрлашда таълим самарадорлигини оширадиган қатор принципиал ҳолатларни ҳисобга олади.

Шунингдек, предметлар ўртасидаги алоқа қурилишини тадқиқ этиш жараёнида касб йўналиши принципларини ҳам таҳлил қилади. Хуллас, бу илмий-оммабоп қўлланмадан махсус ўрта мактаб ўқитувчилари, қолаверса, таълим-тарбия билан шуғулланувчи барча кишилар ўз фаолиятларида қўллаши лозим бўлган кўплаб қизиқарли ва конкрет материаллар топа олади.

С. РАЖАБОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори.

• *Хат йўлга бошлади*

ФАҚАТ ҲАҚИҚАТ БЎЛСИН

Яхши гапнинг қаноти бор, дейдилар. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкин экан. С. Ўтабов, Х. Холмуродов, М. Тошев, О. Бегматовлардан редакцияга тушган арзномалар бизни Учқорага бошлаб борди. Бу ер майизининг довруғи етти иқлимга кетган.

Учқораликлар кўнгли очиқ, дилкаш кишилар экан. Дарров тил топишиб олдик. Айтишларича, узумчилик ва майизчиликка ихтисослаштирилган «Учқора» давлат хўжалиги 1976 йилда ташкил топган. Ҳали-ҳамон қаддини ростлай олмабди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Баъзи кишиларнинг жон куйдириб гапиришларича, бунга турли юқори ташкилотларга хат йўллаган айрим шахслар сабабчи эмиш. Агар ўша шикоятномаларда жон бўлсачи?! «Йўқ, барибир «ёзувчилар» ёзмасликлари, жим юришлари керак!» — биз ўзаро суҳбатларда шундай гапларни ҳам эшитдик.

Хўжалик меҳнаткашларининг 1990 йил 10 февраль куни Ширинободда бўлиб ўтган умумий йиғилиши ҳам асосан шу масалага бағишланган. Йиғилиш қарорига кўра, марказий омбор мудири Мустафо Тошев, бригада бошлиқлари Худоёр Холмуродов ва Сақла Ўтабовлардан ишдан бўшаш ҳақида аризалар ёздириб олинибди. Совхоз директори Бобоқул Йўлдошев шу аризаларга кўра, уларни вазифасидан озод этибди. Мана, сизга ўша йиғилиш аҳли «ёзувчи» деб атаган кишиларга нисбатан берилган «ҳақ-қоний» жазо!

Барибир ҳақиқат изловчилар тинч туриша олмади. Бизга ёзишди. Ўша йиғилишдан буён орадан бир неча ой ўтган бўлишига қарамай Уларни иш билан таъминлашмади. Хўш, шундаям миқ этмай юришсинми? Учалови ҳам катта-катта оиланинг бошлиғи. Бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув, дейдилар. М. Тошевнинг пенсияга чиқишига икки ой қолган эди. Х. Холмуродов, — дипломли агроном, С. Ўтабов эса ноҳақликлар оқибатида оғир дардга чалинди. Адолат билан айтганда, бу уч ўртоққа осон тутиб бўлмайди.

Биз 10 февраль куни бўлиб ўтган ўша йиғилиш қарорини (йиғилишга совхоз касаба союз комитети раиси Аҳмад Мавлонов раислик қилибди) кўздан кечиргани-мизда бир далилга дуч келдик. Хўжаликда жами 565 гектар узумзор бор экан. Бош агроном Ойдин Бўроновнинг йиғилишда айтган сўзига қараганда, ҳар бир гектар ерда 1330 туп ток бўлиши керак. Ҳозир эса у 700—800 тупга тўғри келади. Шунга кўра, хўжаликда 221 гектар узумзор етишмайди. Қолоқликка сабаб худди шунинг ўзгинаси эмасми?! Ахир, 221 гектар ердан озмунча ҳосил олинадими?!

Энди диққатингизни бошқа муҳим ҳужжатга қаратамиз. Қўлимизда Хатирчи район «Янги ҳаёт» газетасининг 1988 йил 16 февраль сони. Газетада «Пудратнинг қудрати қани?» сарлавҳали катта танқидий мақола босилган. Мақолада «Учқора» совхозидаги аҳвол атрофлича таҳлил этилган. Унда бундай дейилади:

«Яқинда бўлиб ўтган йиллик ҳисобот йиғилишида ҳисобот доклади қилган совхоз директори Н. Ҳалимов ва музокараларда қатнашган ўртоқларнинг таъкидлашича, биринчи йили пудратнинг қудрати кўринмади. Узумчилик ва майизчиликдан ўтган йилдагидан паст натижага эришилди. Нега шундай бўлди? Бу ҳақда, жумладан, совхоз директорининг фикри шундай:

— Ишимизни тўғри ташкил этишда катта хатога йўл қўйдик. Натижада мутахассислар аниқлаган ҳосил ҳам олинмай қолди. Узумзорларимизда 221 тонна майиз бўладиган ҳосил борлиги аниқланган эди, ҳолбуки омборимизга 187 тонна майиз келиб тушди, холос. Пудратчилар тайёрланган майизнинг ҳаммасини совхозга топширмадилар».

Мақолада фақат Ойдин Шерматов ва Барно Қурбонов (бу ўртоқ ҳақида кейинроқ яна сўз боради) бошлиқ оилавий пудратчилар шартномани бажариш учун жонини жабборга бериб меҳнат қилгани ва етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини совхоз омборига топширгани алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтилади. Бунинг аксича йўл тутган «пудратчилар» эса номма-ном танқид қилинади.

Юқорида келтирилган мисоллардан аниқ кўриниб турибдики, «Учқора» совхозининг қолоқликдан чиқа олмаётганлигини юқори ташкилотларга хат йўллаган кишиларнинг кўриб бўлмайди.

— Улар аввалги икки директорни ишдан бўшаттиришди, янги директоримиз Бобоқул Йўлдошевни тинч қўйишсин! — дейишди биз билан суҳбатда отахонлар.

Қўлимиздаги шикоятномаларнинг бирини шу кунларда «Олтинсой» совхозида истиқомат қилаётган Омон Бегматов ёзган. Бобоқул Йўлдошев шу совхозда узоқ йил директорлик вазифасида бўлган. Одамларнинг гувоҳлик беришича, у бу ерда ободончиликка катта эътибор берган.

— Омон Бегматов «Олтинсой» совхозида масъул вазифада ишлаганида жиноят қилиб, судланган, — деди Б. Йўлдошев. — Менинг устимдан ёзгани-ёзган.

Ҳа, аризачи О. Бегматовнинг ўзи ҳам сутдай оппоқми? Лекин Бобоқул Йўлдошевни ҳам батамом оқлашга журъат этолмаймиз. Самарқанд область прокуратурасида бўлганимизда «Олтинсой» совхозида қилган ножўя ишларини назарда тутиб, унинг устидан яна жиноий иш қўзғатилганини айтишди.

Бир неча йил муқаддам ҳам худди шундай қилинганди. Бу ҳақда «Знамя дружби» (собиқ Навоий область газетаси)нинг 1986 йил 13 октябрь сонида ёзилган. Аммо иш охирига етказилмаганди.

Дарвоқе, Бобоқул Йўлдошев ҳақида матбуотда кўпдан буён ёзиш келинади. Қуйида шулардан айримларини келтирамиз:

«...Хатирчи районидаги «Олтинсой» совхозида қўшиб ёзишларга, ҳисоботларни бузиб кўрсатишларга йўл қўйилди. Бу хўжалик экономикасининг жиддий мураккаблашувига олиб келди. Бунга совхоз директори Б. Йўлдошевнинг, бош мутахассисларнинг лоқайдликлари сабаб бўлди. Барча камчиликларни очиб ташлаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ўрнига район партия комитети (биринчи секретари Ж. Ризаев) Б. Йўлдошевни район агросаноат бирлашмаси раисининг курсисига ўтқазиб қўйкетсин» (!) деган қарорга келинган.

1990 йил, 9 февраль Барно Қурбонов ўз уйида йўқ пайтда унинг оиласига тегишли нарсаларни машина ва тележкаларга юклаб, шу райондаги «Партия XXII съезди» колхозига қарашли чекка қишлоққа олиб бориб ташлашди. Бу шафқатсизликдан ўн олти жон, шу жумладан, 85 яшар Тошбуви она қишли-қировли кунда чирқираб қолди. Ахир, юқорида тилга олинган қарорда бутун оила эмас, фақат Б. Қурбонов «совхоз чегарасидан чиқиб кетсин» деб ёзилган эди-ку! Хўш, нега бундай қилишди?! Ажабланадиган жойи шундаки, область «Ленин йўли» газетаси 1990 йил 6 мартда босилган бир хабарда «...айбланаётган кишининг розилиги асосида у кўчирилиб юборилган» деган ёлғон гапни тарқатди.

Меҳнатдаги катта муваффақиятлари учун совхоз маъмуриятининг мақтов ёрлиқларига сазовор бўлган, 1989 йилда эса халқ депутатлари Хатирчи район Совети ижроия комитети томонидан «Жигули» автомашинаси билан тақдирланган Барно Қурбонов ва унинг катта оиласига нисбатан шундай шафқатсизлик қилинди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Партия XXII съезди» колхози правлениеси Қурбоновлар оиласига баҳолиқудрат ёрдам кўрсатиб келмоқда. Беда экилган ердан 0,60 гектар томорқа ажратиб берилди. Шунингдек, хўжалик уларга боқиб топшириш учун 15 бош бузоқ ажратди.

Б. Қурбоновлар оиласининг аҳволидан бохабар бўлиш мақсадида йўлга чиқдик. «Учқора» совхозидан қувилган бечоралар чўл кўкисини тирнаб, кўз ёшлари билан лой қориб ўзларига бошпана қуришаётган экан. Тўрт девори тикланибди, холос. Тупроққа қоришиб юрган кичкинтой гўдакларни, шунчалар озор чеккан Тошбуви момони кўриб, юрак-бағримиз эзилди.

— 1981 йилда биз оиламиз билан «Учқора» совхозига кўчиб бориб, Ширинобод посёлкасида 1990 йил 9 февралгача яшадик, — дейди Б. Қурбонов. — 9-10 йил ичида ҳалол ишладик, ҳалол яшадик, қайта қуришнинг фаол иштирокчиси бўлдик. Ошкораликдан фойдаланиб, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни, малол келса ҳам камчиликни рўй-рост, юзмаюз бўлиб дангал айтиб келдик. Минг афсуски, биз ошкораликдан жуда катта зиён кўрдик. Номим «иғвогар»га чиқди. Ростини айтсам, аввалари мен ҳеч қаерга, жумладан, сизларга ҳам хат ёзмаганман.

Б. Қурбонов оиласининг айби нима? Кимлар ва нега уларга нисбатан шунчалар шафқатсизлик қилинди?

Орадан олти ой ўтган бўлишига қарамай, бу саволларга ҳаққоний жавоб берилгани йўқ. Район раҳбарлари сукут сақлашда давом этмоқдалар.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейдилар. Биз бундан буён Хатирчида фақат осойишталик бўлишини истаймиз. Бунинг учун ҳақиқат ва яна ҳақиқатга амал қилиш даркор. Редакцияга хат ёзган кишиларга ҳамда Б. Йўлдошевнинг бундан буёнги тақдирига ҳам фақат шу нуқтаи назардан қаралишининг тарафдоримиз.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҲАЙРИЯ ТЎПЛАБ

Ўш вилоятидаги ҳолат ҳарбийлар томонидан бошқарила бориши биланоқ халқимиз у ердаги ёру биродарлари ва қариндош-уруғларидан хабар ола бошладилар. Меҳр-оқибат, биродарлик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам ана шу оғир дамларда янада ёрқинроқ кўринди. Барча маҳалла ва қишлоқларда хайрия фондлари ташкил этилди.

Бу ишга ноҳиядаги барча ташкилот ва хўжалик, мактаб ва муассаса ўз ҳиссаларини қўшдилар. Киров номли агросаноат комбинати 6000 сўмлик, «Победа» жамоа хўжалиги 3000 сўмлик, «Правда» жамоа хўжалиги 2300 сўмлик, Хўжаобод ва Булоқбоши матлубот жамиятлари 2700 сўмлик ва 1300 сўмлик, ноҳия марказий касалхонаси 2300 сўмлик, Қулла қишлоқ Совети аҳолиси 5500, Булоқбоши қишлоғи кишилари 4000, моариқликлар 3000 сўмлик турли хил кундалик эҳтиёж моллари юбордилар.

Ёрдам фондини пешмапеш етказиб беришда район автомобиль мактаби шофёрлари Аҳлидин Маҳмудов, Нурмуҳаммад Сулаймонов, Раҳим Нурматов, Мурод Жўраев, Алишер Мирзахонов, Йўлдош Ўрмоновлар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Айни кунларда район аҳолиси ва меҳнат коллективларидан яна 10 минг сўмлик ёрдам жўнатиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

А. НИШОНОВ,
Хўжаобод ноҳияси партия қўмитаси мафкура бўлими мудири.

ХУШХАБАРЛАР

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

«ҲИЛОЛА» ЯНА САҲНАДА

● **Бундан йигирма йил бурун Қарши районидаги Акмал Икромов номли совхознинг «Ҳилола» бадиий ҳаваскорлик ансамбли довруғи кенг таралган эди. Ёш санъаткорлар ўшанда Бутуниттифоқ телевидениесида ҳам махсус программада кўрсатишганди.**

Афсуски, кейинги йилларда нима бўлди-ю ансамблга эътибор сусайиб кетди. Оқибатда бу жамоа тарқалди. Совхоз янги раҳбарлари ансамблни қайтадан тиклашга қўл уришди. Унга йигит-қизлар жалб этилди. Совхоз маъмурияти фондидан ансамбль учун 4,5 минг сўмлик чолғу асбоблари, 5 минг сўмлик кийим-кечак сотиб олинди. Шу кунларда янгидан тузилган «Ҳилола» ансамбли яна саҳнага чиқиб, совхоз пахтакорларига хизмат кўрсатмоқда.

МАКТАБ ВА БОҒЧА

● **Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида 480 ўринли болалар боғчаси биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бу ерда шунингдек, 1196 ўринли катта ўрта мактаб биноси ҳам қуриб битказилди. Қаршида ҳозир 32 та мактаб, 61 та боғча ишлаб турибди.

ШОДИ БОБО 100 ЁШДА

● **Ульянов районидаги Касби қишлоғи аҳолиси Шоди Иброҳимовнинг юз ёшга тўлган кунини тантанали нишонлади. Бобо ҳамон тетик, кўпинча пиёда юради.**

Ундан, «Узоқ умр кўришнинг бойси нимада?», деб сўрашса, «Меҳнат умрга умр қўшади, ҳар куни кўп пиёда юришга ҳаракат қиламан», — дейди отахон. Бир аср умр кўрган бобонинг 70 набира-чевараси бор.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Инқилобий қайта қуриш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси қабул қилган тарихий «Мустақиллик декларацияси» бошқа энг муҳим омиллар қатори, «Узбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари»га ҳам асосланади. Биз халқимизнинг бой анъаналари ҳақида ўйлар эканмиз, у асрлар давомида яратиб, ривожлантириб келган бадиий оғзаки ижоднинг ўлмас намуналарини эсдан чиқаришимиз мумкин эмас. Эл орзусидаги бахтли утопик давлат-мамлакатлар — Чамбил, Сусамбил, Хайробод жаҳон маънавий хазинасига халқимиз қўшган муносиб ҳиссалардир. «Алпомиш», «Гўрўғли» достонларида, фольклорнинг бошқа жанрларида яратилган анъанавий асарларда миллатимизнинг бунёдкорлик даҳоси, умуминсоний, байналмилал фазилатлари ёрқин тасвирлаб берилган.

Шу нуқтаи назардан Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги ҳақидаги анъанавий достоннинг бир неча ўринларини эсга туширайлик. Улуғ ўзбек достончиси Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкандан ёзиб олинган бу асарда Равшанбек — Гўрўғлининг отаси тақдири ҳақида ҳам таъсирчан ҳикоя қилинади: у Така-Ёвмитдан Шохдорхон босқинчилари томонидан Шаҳри Заргарга ҳайдаб кетилган; Ватан ҳажри, ёди билан яшайди. Равшанбек —синчи, ҳақгўй: Шохдорхоннинг саксон табла бедови орасида бирорта ҳам тулпори йўқлигини қўрқмай айтади; подшо бунинг учун унинг кўзини ўйдиради. Равшанбек кўзининг ҳунига ўзи тулпор деб билган бедовни — ҳалвочининг отини тилаб олади.

Ҳалвочининг отини қўлга киритиши билан Равшанбек ўз Ватанига — Ёвмитга кетиш режасини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Кўзи кўр қилинган дақиқада ҳам кўнглидаги буюк мақсадни рўёбга чиқариш йўлини излаган ва топган бу марднинг иши халқ маънавиятини бойитадиган жасоратдан иборат. У бу қадамни тасодифий тарзда эмас, онгли равишда қўяди.

Кўзи кўр қилинган бўлса ҳам Равшанбек ҳаётга, Ватанга муҳаббатини йўқотмайди. Киши дилидаги эзгу мақсад қанчалик теран томир ёйса, унинг Ватанга муҳаббати шу қадарли барқ уради. У кўтарган машъал ўзининг оёқ остингина эмас, бутун бир халқнинг, инсониятнинг истиқболини ёритади. Анъанавий достонларимиздаги баркамол қаҳрамонлар шундай шарафга эришган бадиий сиймолардир.

Достонда Равшанбекнинг синчилиги ижодкорлик мужассами сифатида талқин қилинади. Ижтимоий ҳаётдаги ижодкорлик жангу жадалда кўрсатилган якка қаҳрамонликка нисбатан бениҳоя юксак ҳодисадир. Жаҳон фольклорининг, жумладан, ўзбек достончилигининг энг гўзал намуналарида қаҳрамонлар халқ истаган адолатли, гўзал ижтимоий ҳаётнинг меъморлари, ижодкорлари сифатида намоён бўладилар.

Равшанбек Гаждумбекка иш буюриб, ўз айтганларининг қандай бажарилаётганини қатъий назорат қилади, отини Ёвмит сафарига тайёрлайди. Пўлкан шоир отни совутиш тафсилотларини жонли, таъсирчан тавсирлайди. Ниҳоят, бедов эгаси истагандай тобга келади. Ана шунда Гаждумбекка отни подшонинг олтмиш пахсаси, ўттиз марза лой хандақдан ўри бор қўрғонидан сакратишни буюради. Биринчи гал чавандоз қўрқиб, тулпорни қўрғондан ҳатлатмайди. «Равшан кўрга бериб:

— Ирғитиб келдим, — деди.

Равшан кўр сийпалаб кўриб:

— Номаъқул қилибсан, бор, ўткариб кел, ёлғон гапни айтма, — деди».

Хуллас, бедов подшонинг қўрғонидан «қушдай сакраб ўтади». Равшанбек интизор бўлиб кутган фурсат яқинлашади. «Энди Гаждумбек Равшанбекнинг олдига: «Отинг ўтолмади», деб келди. Равшанбек отнинг ҳамма ерини сийпаб кўрди, қўлтиғига қўлини суқди. Гаждумбекка:

— От ирғиб ўтибди, —— деди:

Гаждумбек:

Халқ оғзаки ижоди: пўлканхонлик

АХЛОҚАН БУРЧЛИМИЗ

— Қаердан билдинг? — деди.

Равшанбек:

— Отнинг қаноти чиқибди, шундан билдим! Гаждумбек, энди кетасанми, ё Заргарда қоласанми? Мол-дунё яхшими, ё эл қариндош яхшими? — деди.

Гаждумбек:

— Тонг отгунча ўйлаб кўраман, — деди.

Биби Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумони бўлган эди.

Ана энди Гаждумбек кетай деса молни, пулни кўзи қиймади, кетмай деса, элнинг ишқи, қариндошларнинг меҳрини тортган, кўп ўйлади. Охири кетмоққа ихтиёр қилди».

«Гўрўғлининг туғилиши» достонида Равшанбек билан Гаждумбекнинг Ватанга қайтиш учун тайёргарлик кўришлари, қочишлари батафсил тасвирланади. Бу воқеаларга хос ёркин ва ўткир драматизм бир-бирига уйғун тарзда ривожланиб боради ва адолат-у адолатсизлик ўртасидаги маънавий курашни персонажлар хатти-харакатлари орқали намоён қилади.

Пўлкан шоирдан ёзиб олинган бу анъанавий достонда синчилик билан боғлиқ воқеалар эпизодик персонаж воситасида эмас, бутун достонга руҳ берувчи, Гўрўғли образи сарчашмаси сифатида майдонга чиқувчи Равшанбек образининг бир фазилати сифатида бадиий талқин қилинади. Бу фазилат Равшанбек образига — ёр қўйнида бўлса ҳам она диёр ҳажрида юрак-бағри ўртанаётган қаҳрамон мақсадига рўёб йўлини очиб берувчи омилга айланади.

Ўзбек достончилиги муҳитида ёнъанавий бисотдан бадиий янгилик яратиш ҳодисаси маънавий қонуният даражасига кўтарилган. «Алпомиш» достонининг фольклоршуносликка маълум барча вариантларига нисбатан намуна деб қабул қилинган — Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган нусхасида пойганинг классик тасвири мавжуд. Аммо «Гўрўғлининг туғилиши» достонининг Пўлкан шоир вариантидаги бир отга мингашиб олган Равшанбек ва Гаждумбекни Шохдорхоннинг беш юз чавандози қувлаши эпизодини ҳам пойганинг ўзига хос тасвири, деб ҳисоблаш мумкин.

Пировардида, ярим минг отнинг сараси саракка, пучаги пучакка ажралади: подшонинг бир нечагина оти рақобатга ярайди. «Алпомиш» достонида қўнғирот элди номидан пойгага тушган Қоражон қалмоқ отларининг ҳар бирининг фазилати ва нуқсини ҳисобга олган ҳолда оқилона иш тутади. Натижада Бойчиборнинг ўзиши учун ёрдам беради. «Гўрўғлининг туғилиши» достонидаги пойга тасвирида «Алпомиш»даги воқеалар билан айнанликни, аммо айни пайтда «йўл» ўша бўлгани билан «байт» (Э. Жуманбулбул иборалари) янгилигини кўрамиз.

Муайян анъанавий ҳолатнинг «Алпомиш»да Фозил шоир ва «Гўрўғлининг туғилиши»да Пўлкан шоир қайта яратган бадиий талқини ўзбек достончилиги муҳитида анъана ва бадиҳа, новаторлик муаммоси қандай ижодий ҳал қилинганини зоҳир этувчи мисоллардан бўла олади.

Равшанбек тикка бориб, ўз юртига жўнаб кетаётганлигини айтганида, Шохдорхон «ушланглар» деб буюрган. Ҳамма ўтирган одамлар бирдан туриб даф қилган эди. «Шунда Гаждумбек отнинг бошини буриб олди. Шохдорхоннинг бир одами хез қилиб, отнинг жиловини ушлай олмай, думидан ушлаб олди. Ҳамма одамлар уларнинг олдини, орқасини ўраб олди. Шунга Гаждумбек очиқ ер тополмай, тикка ҳовузга қараб, «чув-ҳа», деб отнинг бошини буриб олди. От кўтарилиб, ҳовуздан ирғиб ўтди...». Маълумки, Шохдорхоннинг арки «олтмиш пахса, ўттиз марза лой хандақли» қўрғон ичида эди.

Бу бедов илк марта Гаждумбекни, бу гал эса Равшанбек иккаласини подшонинг қўрғонидан омон-эсон олиб ўтди.

От бўлмаса, ўлар эди иккови,
Энди тушди Ёвмит элнинг чўлига
Бир минг от буларни қувиб кетди.

Равшанбек ва Гаждумбек учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган пойга тобора қизийди:

Бир минг отнинг ичидан,
Беш юз тулпор айрилди.
Тўрт юз бедов ичидан
Уч юз бедов айрилди.
Орадан бир кун ўтди:
Уч юз бедов ичидан
Икки юзи айрилди...

Фозил шоир талқинидаги «Алпомиш» достонида пойга асосан шеърий йўл билан тасвирланади. «Гўрўғлининг туғилиши» достонида «Алпомиш»да мавжуд пойга манзарасидаги каби кенг бадиий миқёс ва маҳорат етишмайди. Пўлкан шоир Равшанбек билан Гаждумбекни қувиш воқеаси сўнгидаги авж, якуний нуқтани — шапақ от, туёғи оқ тўриқ, бедов хоса тулпор ўзишувини насрда, мухтасар қилиб айтиб ўтиш билан кифояланади. Равшанбек ҳамда Шохдорхон, бошқача айтганда, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги беаёв тўқнашувни якунлаб, Сўқим синчи остидаги тулпор олақароқ бўлиб қолганини тасвирлагач, қуйидаги сўзларни айтади: «Сўқим синчи: «Чув-ҳа, чув-ҳа, деб ҳаракат қилиб қувайин деса, остидаги оти олақароқ бўлиб, тарашадай қотиб қолибди. «Вой, вой, ўзбек синчининг айтгани келди», деди... Бизлар ҳам синчилик дағдағасини қилиб юрган эканмиз, синчилик мана бундай бўлади экан», деб Равшан кўр синчининг айтган сўзига қойил бўлди, унга тан берди. «Баракалла Равшанбекнинг синчилигига», деди.

Остидаги тулпорнинг шарофати билан ҳар икки йигит душман таъқибидан халос бўлади. Гаждумбек Така элига кетади. Равшанбек Ёвмитга боради...

Бу воқеаларни эслашдан муродимиз шулки, Равшанбек синчи Гўрўғли, у ўйилган кўзининг хунига тилаб олган ҳалвочининг отидан ҳам зўр тулпорни — Ғиркўкни парваришлаб вояга етказадиган эл кўкарадиган уруғдир. Равшанбек синчи меҳнати ва ақлу идроки билан ҳалвочи отининг тулпорлигини рўёбга чиқаради, унинг воситасида буюк орзусини амалга оширади — Ватанига етади.

Равшанбек синчилиги билан қойил қилса, Гўрўғли халқининг бунёдкорлик даҳосини ўзида мужассам қилган сиймо сифатида фаолият кўрсатади. У Ғиркўкни — бу сўзнинг энг юксак маъносида — яратишда табиатга ижоддош бўлади, уни сув айғиридан, Райҳон араб тулпоридан тўратиб олади. Ғиркўк Чамбил элининг номус-орига айланади. Эрташ Жуманбулбул ўғли айтган достонлардан биридаги ушбу далил бу фикрни исботлайди:

Бектош араб қирқ минг тилла тилаган,
«Бераймн!» — деб, элатидан сўраган,
Номи туркман уввос тортиб жилаган,
Чув деганда учар қушдай йўл олган,
Элатнинг орини олган бедовсан.

Чамбилдай меҳнаткашларни бахту саодатга эриштирган давлатни, Ғиркўкдай эл шарафи бўлган отни меҳри, ақли, кўли билан яратган халқимизнинг бой анъаналари бугунги кунимизга маънавий озиқ бера олади.

Ўзбек фольклори оламида замондошларимизни илҳомлантирувчи ва йўлловчи, жумладан, уларнинг иқтисодий, деҳқончилик ёки чорвачилик борасидаги изланишларини маънавий қўлловчи кашфиётлар, тажрибаларнинг тасвирлари жуда кўп. Биз, авлодлар аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, ўз меҳнатимиз ва заковатимиз билан ҳаётимизни ҳар томонлама равнақ топган, муносиб, чинакам инсоний даражага етказишга ахлоқан бурчлимиз.

М. ҚЎШМОҚОВ,
филология фанлари номзоди.

● Реклама ва эълонлар

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

I-авторемонт заводи ЭҲМ ва «Искра-555», «Искра-554», ЛО2-х 17 трубкали Ц-83 осциллографини **СОТАДИ**

Маълумотлар учун телефонлар: 91-30-22, 91-13-33.

Бизнинг манзил: 700005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй.

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультети саноат ва фуқаро қурилиши ҳамда гидротехника иншоотлари ихтисослари бўйича сиртдан таълим олаётган 1-6 курс талабалари учун барча фанлардан

КЎРСАТМАЛАР БЕРИШ СЕССИЯСИ

I ва II курсда — 24 сентябрдан 29 сентябргача,
III ва IV курсда — 17 сентябрдан 22 сентябргача,
V курсда — 10 сентябрдан 15 сентябргача,
VI курсда — 3 сентябрдан 8 сентябргача

ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/VIII **Бобочасарой фавворасн**, 14/VIII да **Зебуннисо**, 15/VIII да **Дунёнинг яратилиши.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/VIII да **Отасининг қизи**, 15/VIII да **Гўзаллар ва миршаблар**, 16/VIII да **Паранжи сирлари.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Катта цирк томошалари.** 2 бўлимдан иборат ранг-баранг дастур. **Цирк санъатининг ҳамма жанрлари намойиш қилинади. Масхарабозларнинг чиқишлари** (Ҳар куни 19.30 да бошланади. Шанба куни — 16.00 да, якшанбада — 12, 15, 18.00 да. Дам олиш куни — душанба).

● *Табиат ва инсон*

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ХОНАДОНИМИЗ ҲАМДАМИ

(ЛАВҲА)



Қалдирғочнинг одати ҳайратланарли. У бошқа паррандалардан фарқли ўлароқ одамлар яшаётган хонадонга уя солади. Бу ҳақда эл ичида шундай ривоят бор: Ер юзида барча жонзодларнинг қонхўр ҳукмдори Илоншоҳ кунларнинг бирида чопарларини ҳузурига чорлабди. «Дунёда ниманинг гўшти энг ширин эканлигини билиб келинглар». Чопарлар дунёнинг тўрт тарафига равона бўлишибди.

Чопар ари парранда-ю дарранда, жониворлар қонини ичиб, гўштидан татиб кўрибди. Ниҳоят, Илоншоҳ салтанати томон учибди. Йўлда арига рўбарў келган қалдирғоч ундан сўрабди: — Арижон, Илоншоҳ салтанатига бунчалар ошиқишинг боиси нима?

— Ер юзини кезиб, дунёда энг ширин нарса — инсон гўшти эканлигини билдим. Бу хабарни унга етказгани кетяпман, — дебди ари мақтаниб.

— Мен ҳам кўпдан бери бу жумбоқнинг тагига етолмай сарсонман. Кел, тилингдаги ўша ширин гўштнинг таъмини бир татиб кўрай.

Ари қалдирғочнинг ҳийласини тушунмай, тилини чиқариб кўрсатибди. Қалдирғоч бўлса бир чўқиб унинг тилини узиб олибди.

Илоншоҳ ҳузурига етиб борган ари тинмай ғўнғиллайверибди. Унинг нима деяётганини ҳеч ким тушунмабди. Ари орқасидан учиб кирган қалдирғоч тилмочлик қилиб дебди:

—Эй, Илоншоҳ ҳазратлари! Дунёда ниманинг гўшти ширин эканлигини бу аридан бўлак ҳеч ким билмайди. У айтяптики, сенинг ҳукмингга тобе барча қурт-қумурсқалар, паррандаю, даррандалар орасида энг гўшти ширини қурбақа экан.

Шундан бери Илоншоҳ авлоди — илонлар қурбақани ер экан. Ари эса ғўнғиллаб «одам гўшти ширин, одам гўшти ширин» дея учиб юраркан. Аммо унинг бу ғўнғиллашини қалдирғочдан бўлак ҳеч ким тушунмас экан. Одамлар қалдирғочнинг бу яхшилигини унутмай у билан дўстлашибди, ўз хонадонидан яшаш учун жой берибди. Бу дўстлик, бу иттифоқлик орадан неча замонлар ўтса ҳам бузилмай келаётганининг боиси шундан экан.

Ҳозир пиру-бадавлат отахон ва онахонлардан сўрасангиз, азалдан инсон ҳаётининг йўлдоши, хонадон осойишталиги рамзи — қалдирғочлар ҳақида ягона ҳақиқатни айтишади: «Қалдирғоч оила аъзолари бир-бирига меҳрибон, аҳил-иноқ яшаётган хонадонга ин қуради. Жиззаки, муросасиз одамлар яшаётган сершовқин, нотинч уйга бу қуш яқин ҳам йўламайди». Дарҳақиқат, бу гапда жон бор. Қўшнингни қўзғайверсанг кўчади, оловни қўзғайверсанг ўчади, деб шунга айтсалар керак-да.

Ҳозир қалдирғочлар полопонларини учирма қилиб, боғроғларимиз тепасида учиб юрибди. Киров майсаларни оқартирган куз кунлари қалдирғочлар қишлаш учун жанубга учиб кетади.

Халқимизда қалдирғоч учиб келиши билан боғлиқ талай удумлар ҳам бор.

— Қалдирғоч учиб келган маҳалда қизлар қулоғини тешиш мумкин эмас, — дейди янгиқўрғонлик 96 баҳорни кўрган Субихон момо. — Агар билмасдан қулоқ тешилса, у шишиб кетади ва мадда боғлайди.

Қалдирғочнинг уя қуришига разм солганмисиз, болам? Эрта баҳорда хонадонга учиб келган қалдирғоч тумшуғида Кўҳи-Қоф тоғидан кўктош олиб келади, дейишади. Агар ана шу тош инга қўшиб тикланмаса, у мустаҳкам бўлмай тезда қулаб кетади. Кимки кўкйўтал, қобус дардига чалинса, қалдирғоч инидаги кўктошни қайнатиб ичса тезда дарддан фориғ бўларкан.

— Хонадонга уя қурган қалдирғочдан биз катталар мезбонлик меҳр-мурувватини аямаслигимиз керак, — сўзида давом этди момо. — Катталар нимани қилса, болалар ҳам шунга ўрганади.

Ҳовлида чопқиллаб юрган Субихон момонинг невара-чеваралари инида маржондай тизилиб турган қалдирғоч болалардан кўз узишолмасди. Сариқ тумшуқчаларини катта очиб, онаси олиб келган луқмани ейиши, ота қалдирғочнинг уя атрофида гир айланиб учиши қанчалик гўзал ва сеҳрли. Қалдирғочлар Субихон момо хонадонига ўзлари билан осойишталик, қут-барака олиб келгандек туюлади менга...

Хонадонлар узра қалдирғочлар парвоз қилаверсин!

З. ҲАЙДАРОВ.
Муаллиф олган сурат-лавҳалар.

СПОРТ

УЧРАШУВЛАР ВА БАҲСЛАР

● Жумҳуриятимиз спорт жамоатчилиги ва мухлислар анъанавий физкультурачилар кунини муносиб нишонлашга ҳаракат қилишди. Ўзбекистон Физкультура ва спорт давлат комитетида анъанавий учрашув ўтказилди. Яна спорт юлдузлари, ветеранлар ва мутахассислар тўпланишди. Йиғилганларни жумҳурият спорт комитети раиси О. Назиров табриклаб, уларга муросасиз баҳсларда муваффақият тилади. Ёшларни довруғ таратган спортчилар изидан боришга даъват этди. Ўлкамизда физкультура ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, моддий базасини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган саъйи ҳаракатлар хусусида гапирди. Яқинда Сиэтл шаҳрида бўлиб ўтган Яхши ният ўйинларининг ғолиби бўлиб қайтган спортчилар ўз таассуротларини ҳикоя қилишди. Шундан кейин, мухлислар Ўзбекистон полвонларининг илк марта ўтказилган жумҳурият фестивалини томоша қилишди. Кеча эса «Пахтакор» командасининг хотира совғини учун Бухоронинг «Нурафшон» ва Ангреннинг «Шахтёр» футбол командалари ўртасида ҳал қилувчи учрашув ўтказилди.

ОЛДИНДА МЕҲМОНЛАР

● Тошкентда Шахмат-шашка клуби совғини учун очиқ мусобақа давом этмоқда. Етинчи тур ўйинларидан кейин қозоғистонлик шахматчилар пешқадам бўлиб олишди. Н. Перлутов билан А. Абжаковлар ҳисобида 7 тадан очко бор. Бухоролик Ҳ. Тўраев 6 та очко тўплади.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони ўрганиш марказининг маълумотларига қараганда, келгуси ҳафтада ҳавонинг кам булутли бўлиши, кучсиз шамол эсиши кутилади.

Ҳафтанинг дастлабки кунларида тоғли масканларда момақалдироқ бўлади. Ҳафтанинг биринчи ярмида кечаси 16-21, кундузи 30-35 даража иссиқ. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида кечаси 18-23, кундузи 33-38 даражада иссиқ. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳароратнинг яна 3-4 даража кўтарилиши кутилади. Ўртача ҳарорат меъёрига яқиндир.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш институти мутахассисларининг фикрига кўра, бундай иқлим шароити об-ҳаво ўзгарганда ўзини нохуш сезадиган беморларнинг саломатлигига унчалик салбий таъсир кўрсатмайди.

Бироқ ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳароратнинг кўтарилиши, ҳавода кислород таркибининг камайиши натижасида ўпка-томоқ, юрак сиқилиши, аъзоларида кислород етишмаслиги хасталигига чалинган беморлар ўзини бироз нохуш сезади.

Бундай тоифадаги бемор кишиларни профилактика қилиш мақсадида улар очиқ ҳаволи, соя-салқин жойларда кўпроқ ором олишлари, уй хоналарининг ҳавосини шабадалатиш, ҳафагарчилик вазиятидан ҳоли бўлиш, ақлий ва жисмоний меҳнат билан босим шуғулланмаслик маслаҳат берилади. Зарурат тақозо этганда, даволовчи врачнинг тавсиясига кўра бардамлаштирувчи дорилармонлар қабул қилиниши мумкин.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жумҳурият радиоси қишлоқ хўжалик эшиттиришлари бош муҳарририятининг муҳаррири И. Худоёровга укаси

Қурбонали ХУДОЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал-таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1953 йилдан буён КПСС аъзоси

Пирмуҳаммад ШЕРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг жумҳурият радиоси жамоаси режиссёр Н. Ҳолматовга отаси

Ёқубжон ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни маъмурияти, Ўзбек филологияси факультети жамоаси факультет профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Г. Каримовга укаси

Раҳим КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кўз касалликлари клиник шифохонаси маъмурияти жамоаси кўз касалликлари кафедраси ассистенти Т. Н. Авазовга қиз.

Нодира Тешабоевна МАВЖУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва клиник руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Тошкент давлат медицина институти психиатрия кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Х. А. Алимовга рафиқаси

Манзура Ҳасановна АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» бошқарув идораси жамоаси шаҳар деҳқон бозорлари бошқармасининг бошлиғи Р. М. Муродхоновга ўғли

БОСИТХОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 183.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12